VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

MILLIY TIKLANISH

13 (385) ● 2016 йил 6 апрель, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Таҳририят — www.milliytiklanish.uz 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

ЎзМТДП фракцияси "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тайёрлашни жадаллаштириш лозимлигини билдирди

Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари ўтган йилда 3 мингга яқин депутатлик сўровини амалга оширди

Ўтган йилда ЎзМТДП Сурхондарё вилояти ташкилотлари тадбирларида 40 мингдан зиёд партия хайрихоҳлари иштирок этди

Фракция фаолияти

Парламент ва жамоатчилик назорати

фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим омили

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фракциянинг қуйи палатанинг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил ишларидаги иштироки, жорий йилга белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш масалалари муҳокама қилинди.

Йиғилишни ЎзМТДП фракцияси раҳбари С.Отамуратов бошқарди.

— Олий Мажлис палаталарининг 2015 йил 23 январдаги қўшма йиғилишида давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифалар парламент фаолиятини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда, — деди фракция раҳбари С.Отамуратов. — ЎзМТДП фракцияси ҳам ўз дастурини ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда шаклантирган. Ўтган даврдаги фаолиятимизни танқидий таҳлил қилишимиз, келгусидаги вазифаларимизга янада ишчанлик билан ёндашишимиз лозим.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида қонун устуворлиги ва қонунчиликка риоя қилиш принципларининг амалдаги ўрни ҳақида гапирар экан қонунни бажариш, уни ўз вақтида жорий қилиш, қонунга итоат қилиш, энг аввало, қонуннинг сифатини яхшилашдан бошланиши лозимлиги, барча тузилмалар, мансабдор шахсларнинг қабул қилинаётган қонунларни ижрочиларга ўз вақтида етказиш, уларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш бўйича жавобгарликни ошириш, қонун ижодкорлиги фаолиятини прогноз қилиш ва режалаштиришнинг самарали тизимини яратиш лозимлигига алоҳида тўхталиб ўтди.

> 5-бет.

Юзма-юз мулоқот

Сардор Муллажонов суратлари

Тинчлик ва осойишталик — бахтли ҳаёт омили

ёшлар фаоллигини ошириш, уларни турли таҳдидлардан асраш, маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш — долзарб вазифа

Тинчлик — тараққиёт ва фаровонликнинг асосий омили. Президентимиз таъкидлаганидек, Ўзбекистонимиз мустақил тараққиёт йўлида қандай улкан, бошқаларнинг ҳавасини тортадиган ютуқ ва марраларга эришган бўлса, буларнинг барчасининг негизи юртимизда тинч ва осуда ҳаёт, миллатлар ва фуқароларо тотувлик, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликни асраб-авайлаб келаётганимиздадир. Тинчлик сабаб инсон ўз орзу-ҳаваслари сари дадил одимлайди, эмин-эркин фаолият юритади. Тинчлик бор жойда файзу барака, ривожланиш бўлади.

Халқимизнинг бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кетади, деган нақлида катта ҳикмат бор. Дунёнинг турли минтақаларида нотинчликлар, диний экстремизм ва терроризм хавфи кучайиб, турли мафкуравий, ахборот хуружлари авж олиб бораётган бугунги кунда огоҳ ва ҳушёр бўлиш, юртимиз тинчлигини асраш муҳим вазифалардан биридир.

ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг сайловчилар, партия электорати ва ёшлар вакиллари билан учрашувларида ана шу масалаларга алоҳида эътибор қаратилди. Учрашувларда мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик халқимизнинг энг катта бойлиги экани, бахтиёр ва фаровон ҳаётнинг, истиқлолимизнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ҳар бир инсоннинг фарзандлик бурчи экани хусусида сўз юритилди.

> 2-бет.

Ушбу сонда:

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

> 6-бет.

Вулқон остидаги тамаддун

Везувий яқинида жойлашган қадимий шаҳарларнинг энг йириги Помпей бўлиб, унга эрамиздан аввалги VI асрда оск қабиласи асос солган



> 7-бет.

Шонли ва бой тарихимиз кўзгуси

> 8-бет.

Миллий ғурур

Иқболи баланд Зулфия

Мамлакатимизда ёшлар, айниқса, хотин-қизларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг ижтимоий ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузини ошириш, замонавий касб-ҳунар эгаллаши, бандлигини таъминлаш — давлат сиёсатининг ажралмас қисми. Бу жараёнда иқтидорли қизларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, эришаётган муваффақиятларини муносиб баҳолашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти фан, таълим, адабиёт, маданият ва санъат, спорт соҳаларида изланаётган, аъло ўқиши, зукколиги, фаоллиги ва ташаббускорлиги билан тенгдошларига намуна бўлаётган қизлар сафининг тобора кенгайиши, уларни юксак мақсадлар сари руҳлантиришда муҳим омил бўлаётир. Бугунги қадар 240 нафар истеъдод соҳибаси ушбу давлат мукофотига лойиқ топилгани мамлакатимизда қизлар камолоти йўлида кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрликнинг яққол ифодасидир.

> 6-бет.

ЎзМТДП ташкилотларида

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида партия ташкилоти ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳининг "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлашдаги устувор вазифалари муҳокама этилди. Унда ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия туман ташкилотлари раҳбарлари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи аъзолари, қуйи бўғин етакчилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Изчил изланиш ва доимий ҳаракат

партия ҳудудий ташкилотлари фаолиятининг асосий мезонига айланиши керак

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси ўринбосари Ж. Сафоев сўзга чиқди.

— Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, — деди партия раҳбари ўринбосари. — Мустақил тараққиёт йилларининг ўтган қисқа даври мобайнида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга қаратилган ислоҳотлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон парламентаризми мамлакатни янада демократлаштириш ва модернизация қилиш, сиёсий партиялар ва уларнинг парламент қуйи палатасидаги фракциялари воситасида қонун чиқарувчи ҳокимият фаолияти самарадорлигини ошириш йўлидан дадил одимламоқда.

> 4-бет.

Депутатлик имтиёз эмас...

Ёшлар тақдири учун барчамиз масъулмиз

халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи вояга етмаганлар тарбияси билан боғлиқ масалани ўрганди

Ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб обрў-эътиборга эга бўлиши фарзандларимизнинг таълим-тарбиясига, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига бевосита боғлиқ. Ушбу эзгу мақсадлар мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Бугун мамлакатимизда 18 ёшгача бўлган ёшлар 10,5 миллиондан зиёдни ёки умумий аҳолининг тахминан 40 фоиздан ортиғини ташкил этади. 18 ёшгача бўлган даврда инсоннинг онги, ахлоқи, маънавий қиёфаси шаклланади. Шу маънода мамлакатимизда вояга етмаганлар ва ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, иқтидорини тўла-тўкис рўёбга чиқариш учун ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-ташкилий шарт-шароит яратиш ҳамда уларни кафолатлашга давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида жиддий эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Конституциямизнинг 45-моддасида вояга етмаганлар ҳуқуқлари давлат ҳимоясида эканлиги белгилаб қўйилган. 64-моддасида эса ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбур экани, давлат ва жамият етим болаларни ва ота-оналари васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлаши, болаларга йўналтирилган хайрия фаолиятини рағбатлантириши мустаҳкамланган.

> 3-бет.

"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158

MILLIY TIKLANISH
13 (385) 2016 йил 6 апрель, сешанба

Юзма-юз мулоқот

Тинчлик ва осойишталик — бахтли ҳаёт омили

ёшлар фаоллигини ошириш, уларни турли таҳдидлардан асраш, маънавий иммунитетини мустаҳкамлаш — долзарб вазифа

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, ёш авлод вакилларини ахборот хуружларидан, ёт оқимларнинг салбий таъсиридан асраб-авайлаш, шунингдек, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида маълумот берилди. Бундан ташқари, партия ҳудудий ташкилотлари ва гуруҳларининг партия дастурий мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, ёшларнинг маънавий иммунитетини мустаҳкамлашга қаратилган лойиҳалар, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолияти ўрганилди. Партиянинг парламент ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатларининг ўзаро ҳамкорлигини мустаҳкамлашга эътибор қаратилди.

***

95-Риштон сайлов округидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутат **Акмалжон Умрзоқов**нинг сайловчилар, партия электорати ва ёшлар вакиллари билан учрашувлари Риштон туманига қарашли чинни ишлаб чиқарувчи саноат ҳудудида, бир қатор маҳалла фуқаролар йиғини ва 26-умумтаълим мактабида ташкил этилди.

"Тинчлик — инсониятнинг энг олий қадрияти" мавзусида маънавий-маърифий тадбирларда мамлакатимизда юрт тинчлиги, осойишталиги, халқ фаровонлиги йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ёшларни турли ёт оқимлар таъсиридан асраб-авайлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ҳақида сўз борди.

— Халқимиз тинчлик ва хотиржамликни юксак қадрлайди, — деди депутат учрашувда. — Зотан, бу улуғ неъматлар барқарор жойдагина тараққиёт бўлади, бунёдкорлик ишлари ривож топади. Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган улкан ишлар замирида ана шу эзгу мақсад мужассам. Айниқса, айни кунларда юртимиз янада гўзал қиёфа касб этмоқда. Юртимизда қад ростлаётган замонавий иншоотлар, хушманзара масканлардан кўзингиз қувнайди. Қаерга борманг бунёдкорлик, ободончилик ишларининг гувоҳи бўласиз. Мамлакатимизда эришилаётган бундай ютуқлар, ҳаётимиздаги юксалишлар Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик мевасидир. Шундай экан, осуда ҳаётимизнинг қадрига етиб, тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек асраш ва мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир.

— Шундай осойишта кунларнинг қадрига етиш, ёшларимизни турли ёт ғоя ва оқимлар таъсиридан асраш мақсадида ўтказилаётган бу каби тадбирларнинг аҳамияти катта, — дейди тадбир иштирокчиси, коллеж талабаси Нозима Мирзакомилова. — Терроризм ва диний экстремизмнинг жирканч қиёфаси депутатлар томонидан оддий мисоллар ёрдамида тушунтириб берилмоқда.

***

Жиззах, Пахтакор ва Зафаробод туманларидаги маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинларида, соғлиқни сақлаш, таълим муассасаларида, шунингдек, турли корхона ва ташкилотларда ЎзМТДП фракцияси аъзоси **Алишер Қодиров** сайловчилар ва ёшлар вакиллари билан учрашди. Унда депутат учрашувдан учрашувгача бўлган даврда мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётидаги изчил ислоҳотлар, парламент қуйи палатасидаги қонун ижодкорлиги жараёни ҳақида батафсил тўхталди. Нотиқ таъкидлаганидек, мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлиб, озод, эркин давлат сифатида фуқаролари ҳаёти ва фаровонлигини, юрт тинчлигини таъминлашга қаратилган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни собитқадамлик билан амалга оширмоқда.

— Давлатимиз раҳбари ҳар бир чиқишида узоқ ва яқин мамлакатларда кечаётган турли қарама-қаршилик ва нотинч вазият ҳақида тўхталиб, юртимиздаги тинч-осойишталикни асраб-авайлаш лозимлигини алоҳида таъкидлайди, — деди депутат Жиззах туманининг "Тоқчилик" қишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган учрашувда. — Бу бежиз эмас, албатта. Чунки дунёда, ён-атрофимизда содир бўлаётган воқеаларга ҳушёрлик билан қарашимиз, онгли муносабатда бўлишимиз, юртимизда осойишталик ва барқарорликни янада мустаҳкамлашимиз лозим. Зеро, тинчлик — фаровонлик йўлдоши. Эртанги кунидан хотиржам, бунёдкорлик туйғуси, тўй-томошалар орзуси билан яшаётган эл-юртимиз бу саодатни яна ҳам теран ҳис этади. Зеро, юртимизнинг турли гўшаларида амалга оширилаётган оламшумул ўзгаришларда тараққиёт, фаровонлик сари дадил одимлаётган халқимизнинг метин иродасини, қалб қўрини, ёшларимизнинг оташ нафасини ҳис қилиш мумкин.

Учрашувлар давомида депутат ҳудудлардаги ижтимоий-маиший масалаларга ҳам эътибор қаратди. Депутатнинг сайловчиларни ўйлантираётган масалалар ечимига қаратилган ишлари ҳудудда нафақат депутат, балки у сайланган партия нуфузини мустаҳкамлаш, электорат ишончини қозонишнинг ҳам муҳим омилидир. 2015 йилда Пахтакор туманидаги "Чаманзор", "Боғишамол", "Мингчинор", "Оқбулоқ" қишлоқ фуқаролар йиғинларида тоза ичимлик суви масаласи юзасидан депутатга бўлган мурожаатлар ижобий ҳал этилиб, ушбу масала 2016 йил туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига киритилди. Дастурга мувофиқ, мазкур ҳудудларда жами 13,5 километр ичимлик суви тармоғи ишга туширилиши режалаштирилган.

Юзма-юз мулоқотлар жараёнида сайловчилар ЎзМТДП дастурий мақсад-вазифалари амалий ижросини таъминлашга қаратилган кўплаб таклифлар билдирди.

***

ЎзМТДП фракцияси аъзолари **Зумрад Бекатова** ҳамда **Жолдасбой Абдижамилов**нинг Беруний, Элликқалъа ҳамда Амударё туманларидаги сайловчилар ва партия электорати вакиллари билан бўлган учрашувларида асосан юртимиздаги тинч-осуда ҳаёт, фаровон турмуш қадрига етиш борасида сўз борди. Шунингдек, ҳудуд ривожига оид масалалар, қонунчиликдаги янгиликлар муҳокама қилинди.

— Сиз ёшлар билан шундай ёруғ кошонада юзма-юз учрашиб, суҳбатлашиб туришимизнинг боиси ҳам юртимиздаги тинчлик, осойишталик ва фаровон турмуш туфайлидир. Модомики шундай экан, уни сақлаш ва асраш ҳаммамизнинг умумий ишимизга айланиши керак, — деди депутат Зумрад Бекатова Беруний туманида бўлган учрашувда. — Тинчликни асраш — мустақилликни мустаҳкамлаш демакдир. Биз фақат мустақиллик шарофати билан шундай кунларга етдик, тарихий, миллий қадриятларимизни тикладик. Юртимизнинг Оролбўйи минтақаси ўзининг бой тарихий мероси, нодир табиий ландшафти, қадимий ва ўрта асрларга оид ёдгорликлари билан алоҳида аҳамиятга эга. Элликқала туманидаги Тупроққалъа, Аёзқалъа, Улкан қават қалъа, Гулдурсин қалъа, Қўрғошин қалъа, Қирқ қиз қалъа ўзининг тарихи, қурилиши, кўриниши ва безаклари билан бетакрордир. Бу бебаҳо ёдгорликлар ҳеч бир сайёҳни бефарқ қолдирмайди. ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланганидек, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш, ободонлаштириш, қайта тиклаш, тарихий масканларга ёшларни кенг жалб этиш, юртимизда туризмни ривожлантиришга кўмаклашиш партиянинг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Партиямизнинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси ўз фаолияти давомида мазкур соҳага оид қонунларнинг жойлардаги ижросини назорат-таҳлил тартибида ўрганиш, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш самарадорлигини янада оширишга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, фракция аъзоларининг ўз сайлов округидаги фаолияти мобайнида ҳудудлардаги тарихий, маданий объектларнинг ҳолатини чуқур ўрганиши, таҳлил этиши келгусида янги ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши ва амалдаги қонун нормаларининг янада такомиллашувида муҳим аҳамият касб этади.

Учрашувлар чоғида Жолдасбой Абдижамилов жорий йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтадиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловининг аҳамияти ҳақида атрофлича тўхталди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда маҳалланинг нуфузини янада ошириш, фаолиятининг ҳуқуқий асосларини замон талабларига мос ҳолда такомиллаштириш ва ушбу тузилманинг самарали фаолият олиб бориши учун зарур шарт-шароит яратиш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Бунда "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги қонунлар муҳим асос бўлиб хизмат қилаётгани қайд қилинди. Юзма-юз мулоқотларда маҳалланинг жамоатчилик назорати билан боғлиқ фаолияти тобора кенгайиб бораётгани алоҳида эътироф этилди. Айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, четдан кириб келаётган турли зарарли таъсирлардан, "оммавий маданият"нинг таҳдид ва хатарларидан асраш масалаларида маҳалланинг ўрни ва мавқеи алоҳида аҳамият касб этиши таъкидланди. Чунки ҳозирги мураккаб замонда миллий қадриятларимизга ёт ғоялар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли хуружлар, турли экстремистик оқимлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада ҳушёр ва огоҳ бўлишга ундамоқда. Сайловчилар, маҳаллалар фаоллари томонидан маҳаллалардаги маънавий муҳитни янада яхшилаш, диний ақидапарастлик ғоялари таъсирига берилиш билан боғлиқ муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш ва олдини олиш, тўй-маросимларни ихчам ва ортиқча дабдабаларсиз ўтказиш бўйича ишлар самарадорлигини янада ошириш юзасидан фикр-мулоҳаза алмашилди.

***

ЎзМТДП фракцияси аъзолари **Акмал Раҳмонов, Нодиржон Мухторов** Наманган вилоятининг Норин ва Поп туманидаги сайловчилар ҳамда партия электорати вакиллари билан учрашиб, уларга парламент қуйи палатасининг қонун ижодкорлиги ва назорат-таҳлил фаолияти, шу жумладан, ЎзМТДП фракцияси фаолияти, Ўзбекистон "Миллий тиклаиш" демократик партиясининг амалга ошираётган лойиҳалари, партия олдида турган долзарб вазифалар ҳақида маълумот берди.

Депутатлар ўз сайлов округидаги фаолияти давомида партия ҳудудий ташкилотлари ва гуруҳлари фаолиятини ҳам таҳлил қилдилар. ЎзМТДП сайловолди Платформасидаги вазифаларни самарали ижро этиш, парламент ва маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш, депутатлик бирлашмаси фаолиятини такомиллаштиришга оид масалалар юзасидан семинарлар ташкил этилди. Унда партия ташкилотлари ходимлари ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари фаоллигини янада кучайтириш, ҳудудлар тараққиётига дахлдор масалалар ечимида уларнинг масъулиятини ошириш лозимлигига эътибор қаратилди.

— Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг самарали тизими яратилди, — деди Акмал Раҳмонов Норин туман маданият уйида ташкил этилган "Тинчлик — инсониятнинг энг олий қадрияти" мавзусидаги давра суҳбатида. — Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, "Мудофаа тўғрисида", "Терроризмга қарши кураш тўғрисида", "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида", "Ўзбекистон Республикасининг миллий хавфсизлик концепцияси тўғрисида"ги қонунлар ва бошқа қатор қонуности ҳужжатлари мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ва барқарорликни таъминлашнинг, фуқаролар, турли миллат ва элатлар ўртасидаги ахиллик, ҳамжиҳатлик ҳамда халқимиз бахтли ҳаётининг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Ана шу каби ҳуқуқий асослар, самарали тизим юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, хотиржамликка замин бўлаётир. Қолаверса, Ватанимиз сарҳадларида хизмат қилаётган минглаб аскар ўғлонларимиз, ҳарбийларимиз тунни тонгга улаб, она юрт осойишталигини ҳимоя қилишга, юртдошларимиз хотиржам, фаровон ҳаёт кечиришига ҳисса қўшаётир. Буни юртимизда яшаётган ҳар бир фуқаро чуқур англаши, юртимиз тинчлиги ва барқарорлигини янада мустаҳкамлашга ўз ҳиссасини қўшиши осойишта ҳаётимизнинг мустаҳкам кафолати бўлиб хизмат қилади.

***

ЎзМТДП фракцияси аъзоси **Авазбек Жалилов** Балиқчи туманидаги сайловчилар билан учрашувлари давомида ёшларга оид давлат сиёсатининг тумандаги ижроси, келажагимиз эгаларини ҳар томонлама соғлом қилиб тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишлар билан танишди.

— Оилалар тинч-тотувлигини мустаҳкамлаш, ҳудудлар ободлиги ва осойишталигини таъминлаш, айниқса, ёшларни турли ҳуқуқбузарликлар ва бегона кўзлардан асраб-авайлашда маҳалланинг ўрни беқиёс, — деди "Тумор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 32-умумтаълим мактабида бўлиб ўтган юзма-юз мулоқотда маҳалла фаоли Ибромжон Содиқов. — Бунинг учун маҳалла фуқаролар йиғини ва маҳалла аҳли бирдек масъул бўлиши керак. Зеро, ҳозирги глобаллашув даври маънавий тарбияни янада бойитиш, ёшларни ғаразли ғоялар таъсиридан ҳимоялашни тақозо этмоқда. Ёшларни турли бузғунчи ғоялардан, экстремистик гуруҳларнинг алдовларидан огоҳ бўлишга, юртимиздаги тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиб, Ватанимизга садоқат билан хизмат қилишга ундашимиз лозим. Уларнинг маънавияти, дунёқарашига салбий таъсир кўрсатишга мўлжалланган ахборот-психологик хуружлар, таҳдидлар сони тобора ортиб бораётгани ҳақида тушунча ва билимларини янада бойитишга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам олиб боришимиз шарт. Боланинг бегонаси бўлмайди, деганларидек, юртимиз келажаги бўлган ёш авлод вакиллари учун ҳар биримиз масъулмиз.

Депутат билан юзма-юз мулоқотлар давомида юртимиздаги тинчлик, осойишталик муҳитини янада мустаҳкамлаш, хавфсизликни таъминлашда маҳаллаларда олиб борилаётган ишлар, бу жараёнда давлат, жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар билан ҳамкорлик борасида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Авазбек Жалилов учрашувлар жараёнида тумандаги "Шераличек" ва "Мирзабошичек" маҳалла фуқаролар йиғинларининг 6,5 мингдан зиёд аҳолисига хизмат кўрсатувчи қишлоқ врачлик пункти фаолияти билан танишди. ҚВП бош шифокори Тамилла Қосимованинг айтишича, депутатнинг ўтган галги учрашувларида мазкур ҚВП биноси таъмирталаб ҳолга келганлиги хусусида унга мурожаат қилишган эди. Депутатнинг мутасадди идораларга ёзма мурожаатидан сўнг ушбу масканда таъмирлаш ишлари бошланган ва айни пайтда у ниҳоясига етмоқда. ҚВП шифокорлари депутат кўмагидаги бу амалий ишлардан, энг аввало, аҳоли миннатдор эканлигини билдирди.

— Андижондаги "Уз-Тонг-ХонгКО" қўшма корхонасининг Балиқчи туманида ташкил қилинган филиали ҳам депутатимиз саъй-ҳаракати билан бунёд қилинди, — дейди ЎзМТДП Балиқчи туман кенгаши раиси Нурбек Алимов. — 25 ишчи ўрнига эга бу кичик корхонада асосан тумандаги коллежлар битирувчилари фаолият кўрсатяпти. Улар ишлаб чиқараётган спорт пойабзаллари харидорларга маъқул бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, туманимиз аҳолиси ўзи ишонч билдириб сайлаган вакилининг ташаббускорлигидан, ҳудудимиз ривожига, турмушимиз фаровонлигига ҳисса қўшаётганидан мамнун.

***

ЎзМТДП фракцияси аъзолари **Акмал Саидов, Ўрал Ҳайитов** ҳамда **Дилфуза Жалилова**нинг Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашувларида мамлакатимиз тараққиётининг асоси ва кафолати бўлган тинчликни мустаҳкамлаш, халқимиз манфаатларини ҳимоялаш, турмуш фаровонлигини юксалтириш борасида сўз борди. Давлатимиз раҳбарининг Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзининг мазмун-моҳияти, аҳамияти кенг тарғиб этилди.

— Юртбошимиз Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзида миллий байрамимизнинг ўзига хослиги, халқимиз ҳаётидаги ўрни ҳақида алоҳида тўхталди, — деди Чироқчи туманидаги сайловчилар ҳузурида бўлган депутат Ўрол Ҳайитов. — Шу билан бирга, дунёнинг турли бурчакларида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар хусусида тўхталиб, жумладан, шундай деди: "... агарки, бугунги кунда халқаро майдонда тобора авжига чиқаётган кескинлашув, можаро ва қарама-қаршиликларни, ҳали-бери давом этаётган қон тўкишларнинг олдини олиш, пайдо бўлаётган муаммоларни фақатгина тинчлик ва сиёсий музокаралар йўли билан ҳал қилишга қайтсак, халқимиз ибораси билан айтганда, олам гулистон бўларди". Дарҳақиқат, бугунги таҳликали вазиятда мамлакатимизда давлатимиз раҳбари раҳнамолигида олиб борилаётган тинчликпарвар сиёсат юрт осойишталигининг, халқимиз хотиржамлигининг гарови бўлаётир. Осойишта юртда юксалиш бўлади, фаровон элдан хотиржамлик кетмайди. Бу олижаноб мақсадлар ҳар бир фуқаро зиммасига улкан масъулият юклайди. Айни пайтда осуда ҳаётни янада мустаҳкамлаш, жамиятимизда қарор топган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатликнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш, барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

— Бугун дунёнинг турли бурчакларида содир этилаётган қўпорувчилик ҳаракатлари барчамизни ташвишга солиши табиий, — дейди Чироқчи тумани Оғзикенг қишлоғида истиқомат қилувчи Асад Эшноров. — Бундай бузғунчилик ва фитналар маънавиятсизлик, мафкуравий қашшоқлик оқибатидир. Ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, ўз қатъий позициясига эга, юксак интеллектуал салоҳиятли инсонлар этиб тарбиялаш долзарб вазифадир.

Қарши шаҳрида депутат Дилфуза Жалилованинг сайловчилар билан учрашувлари давомида фуқаролар Қаюм Раҳимов ҳамда "Қавали" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Матлуба Бахриева ёшларни жамиятимиз ривожига жиддий таҳдид солаётган турли оқимлар таъсирига тушиб қолишидан муҳофаза қилишда таълим муассасалари, маҳалла ва ота-оналар масъуллигини ошириш билан боғлиқ масалалар юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдирдилар. Энг олий неъмат — юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик, барқарорликни кўз қорачиғидек асраш каттаю кичик ҳар биримизнинг вазифамиз эканлиги эътироф этилди.

Шунингдек, депутатлар учрашувлар чоғида фуқаролар қабулини ташкил қилиб, уларнинг фикр-мулоҳазаларини, мурожаатларини тинглади, аҳолини ўйлантираётган масалалар билан яқиндан танишди.

***

ЎзМТДП фракцияси аъзоси **Азамат Пардаев**нинг Нарпай туманидаги 17-умумтаълим мактаби, "Мирбозор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда қатор ташкилот ва корхоналарда бўлган сайловчилар билан учрашувлари қизғин фикр-мулоҳазаларга бой тарзда ўтди. Учрашув доирасида депутат ЎзМТДПнинг ҳудудий ташкилотлари ҳамда партия гуруҳлари олдида турган долзарб ва масъулиятли вазифалар борасида ўз фикр-мулоҳазаларини баён этди. Партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалиётга татбиқ этиш, электорат манфаатларининг қонунларда ифода этилиши, шу билан бирга, ЎзМТДПнинг ёшларга оид сиёсати, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама комил ва юксак маънавиятли инсонлар сифатида тарбиялашга кўмаклашишда илгари сурилаётган лойиҳалар самарадорлиги ҳақида атрофлича сўз юритилди.

— Қонунчилик палатасидаги вакилимиз билан учрашувлар чоғида партия ташкилотимиз томонидан амалга ошириб келинаётган қатор лойиҳаларни муҳокама қилдик, — деди ЎзМТДП Нарпай туман кенгаши етакчи мутахассиси Жасур Каримов. — Жумладан, депутат "Ёшлар қаноти"нинг "Озод юртнинг обод гўшаси", "Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, халқ фаровонлиги йўлида бирлашайлик!" шиори остидаги ёшлар форуми, "Юртим тарихини ўрганаман", "Биз ёшлар "оммавий маданият"га қаршимиз" сингари қатор мавзулардаги лойиҳалари, тадбирлари таъсирчанлигини янада оширишга қаратилган таклифларини билдирди. Қолаверса, партия фаоллари ҳам ёш авлодни турли ёт ғояларга нисбатан маънавий иммунитетини мустаҳкам қилиб тарбиялашга хизмат қиладиган янги лойиҳалар ташкил этиш борасида фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар. Ушбу таклиф ва фикрлар партия "Ёшлар қаноти" фаолиятини кучайтириш, ёшлар орасига янада кенг кириб бориб, уларни миллий қадрият, анъана ва урф-одатларимизга, шонли ўтмишимизга садоқат руҳида тарбиялаш, улар онгини бугунги таҳликали вазиятлардан, ахборот хуружларидан ҳимоялашга ҳисса қўшишимиз учун замин бўлади.

— Дунёда глобаллашув жараёнлари кучайган, ниҳоятда тезкор бугунги замонда ер юзида тинчликни асраш, барқарор ривожланишни таъминлаш инсоният олдидаги энг муҳим вазифа бўлиб турибди, — дейди учрашувларда 17-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Рустам Ашуров. — Зеро, тинчлик-осойишталик йўқ жойда фаровон турмуш, тараққиёт ҳақида ўйлаб бўлмайди. Буни дунёнинг турли минтақаларидаги нотинч вазият кўрсатиб турибди. Шукрки, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо. Халқимиз бугунидан рози бўлиб, эртанги кунга қатъий ишонч билан бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимиз кун сайин обод бўлиб бораётир. Ана шу ободликни кўрганимизда "кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" деган савол кўнглимиздан ўтади. Бу кунларга осонликча эришилмаганини бир лаҳза бўлсин унутмаслигимиз, тинчликнинг қадрига етиб, уни асраб-авайлаш ҳар биримизнинг бурчимиз эканлигини англамоғимиз лозим.

Депутат ўз сайлов округидаги фаолияти мобайнида Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодекси ҳамда "Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида"ги қонуннинг ҳудуддаги ижроси ҳолати билан ҳам яқиндан танишди. Ушбу масалалар юзасидан партия ташкилоти ва гуруҳларининг ҳамкорликда олиб бораётган фаолияти, амалга ошираётган ташаббусларини ўрганди. Бу борада партия ходимлари ва депутатларга тегишли таклиф ва тавсияларини бериб, ўзаро ҳамкорликдаги фаолият самарадорликка асос бўлишини таъкидлади.

***

Сирдарё вилоятининг Оқолтин ва Ховос туманларидаги сайловчилар ҳузурида бўлган ЎзМТДП фракцияси аъзоси **Шерзод Қулматов** партиянинг дастурий мақсад-вазифалари ҳамда "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

— "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида мамлакатимизда оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган қатор чора-тадбир ва вазифалар белгиланган, — деди депутат Оқолтин туман тиббиёт бирлашмасида бўлиб ўтган учрашувда. — Зеро, соғлом она ва бола жамият таянчи, юрт келажаги, баркамол авлод давомийлигининг муҳим шартидир. Давлат дастурида кўзда тутилган мақсад-вазифалар ҳар биримизга дахлдор: унинг ижросини таъминлашга ҳисса қўшиш барчамизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Бугун мамлакатимизда хотин-қизлар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом вояга етказиш борасида яратилган шарт-шароитларни янада кенгайтиришга ўз ваколатларимиздан самарали фойдаланган ҳолда қўмаклашишимиз лозим.

Учрашувда сўз олган тиббиёт бирлашмаси ходимлари Давлат дастури доирасида ушбу масканда амалга оширилиши режалаштирилаётган чора-тадбирлар хусусида тўхталиб ўтди. Сайловчилар қуйи палатадаги вакилига ўз таклиф-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Жойларда маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, турли иллатлар, айниқса, Интернет тармоғи орқали кириб келаётган таҳдид ва хуружларнинг олдини олишга барчамиз масъулмиз, — дейди Ховос туман хотин-қизлар қўмитаси раиси Дилкарам Эргашева мусиқа ва санъат мактабида бўлган учрашувда. — Бинобарин, бу борада олиб борилаётган ишлар сифати ва самарадорлигини ошириш доимий эътиборда бўлиши лозим. Ёшлар ва хотин-қизлар манфаатини ҳимоя қилиш, ҳар бир маҳалла ва оилада соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларни турмушга тайёрлаш, ҳуқуқий маданиятини янада юксалтиришда бу каби учрашувларнинг ўрни катта.

***

Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракциясининг барча аъзоси ўз сайлов округидаги фаолиятини якунлаб қайтди. Сайловчилар билан бўлган юзма-юз мулоқотларда аҳоли юртимизда ҳукм сураётган тинлик-осойишталик ва хотиржамлик ўз-ўзидан бўлмаётгани, бунинг учун ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқа курашиш лозимлигини бот-бот таъкидладилар. Амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳудудлар қиёфаси, аҳолининг фаровон ҳаётида ўз ифодасини топаётгани борасида илиқ муносабат билдирилди. Учрашув натижалари, ўрганилган масалалар, олинган таклиф-тавсиялар фракция фаоллигини оширишга, қуйи палатанинг қонун ижодкорлиги, назорат-таҳлил фаолиятини кучайтиришга, парламент назорати самарадорлигига хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг ўз вакиллари орқали давлат ва жамият бошқарувидаги, ислоҳотлар изчиллигидаги иштирокини кенгайтиради.

Муҳтарама КОМИЛОВА, Дилноза ҲАЙИТОВА, Илья ДИЛЬМАНОВ, Замира РЎЗИЕВА, Шерзод ҚУРБОНОВ, "Milliy tiklanish" мухбирлари

Депутатлик имтиёз эмас...

Ёшлар тақдири учун барчамиз масъулмиз

халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи вояга етмаганлар тарбияси билан боғлиқ масалани ўрганди

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

2010 йил 30 сентябрда қабул қилинган "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни эса ушбу вазифаларни амалга оширишнинг яна бир муҳим ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланиб, кўплаб муваффақиятларга эришаётган йигит-қизлар нафақат оиласи, балки бутун халқимизнинг ютуғи, фахридир. Аммо, берилган имкониятлардан тўғри фойдалана олмаётган, турли ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этиб, ўз келажагига зомин бўлаётган, жамиятга зарар етказаётган ёшлар ҳам борлигидан кўз юма олмаймиз. Вояга етмаганлар содир этаётган ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликни таҳлил қилсак, бунга имконият яратиб бераётган омиллар, шарт-шароитларни бартараф этиш муайян бир идора ёки ташкилотнинг эмас, балки кенг жамоатчиликнинг вазифаси эканлиги янада ойдинлашади.

Бу борада халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ёш авлодни ҳар томонлама етук этиб тарбиялаш борасида олиб борилаётган давлат сиёсатини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида тарғибот тадбирларини амалга ошириб келмоқда. Жойларда ёшлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни турли мафкуравий таҳдидлар ва ёт оқимлар таъсиридан асраш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, ёшлар бандлигини таъминлашга оид ишлар ҳолатини ўрганмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноят содир этиш ҳолатларининг олдини олиш, уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бандлигини таъминлаш, маънан ва жисмонан соғлом авлодни тарбиялашдан иборат. Зеро, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ёш авлодни баркамол, етук инсон қилиб вояга етказиш, она юртга садоқат руҳида тарбиялаш ва уларни халқимизга ёт ва инсон онги учун зарарли бўлган "оммавий маданият"нинг салбий таъсиридан муҳофаза қилишга кўмаклашишни устувор вазифаси деб билади.

Ана шу дастурий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда амалга ошираётган ўрганишларимиз бу борада эътибор қаратадиган жиҳатлар етарли эканини кўрсатади. Кўп ҳолларда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга имкон берадиган сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф

этиш фақат ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси, деган фикр шаклланган. Аммо бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан биргаликда, энг аввало, оила, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, таълим, соғлиқни сақлаш муассасалари, аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари каби қатор мутассадди идораларнинг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш зарур бўлади.

Буни вилоятнинг Бахмал тумани мисолида таҳлил қилиб кўрайлик. Депутатларимиз "Ўзбекистон Республикасида 2015 йил якунлари ҳамда 2016 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури"да белгиланган тадбирларнинг ижросини ўрганди. Ўрганишлар давомида маълум бўлдики, туманда ёшларнинг ўқиш, изланиш, дам олиш ва ўзи истаган соҳада фаолият кўрсатиши учун қулай шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Замонавий, барча қулайликларга эга коллеж ва бошқа муассасалар ёш авлод вакилларининг юксак маънавиятли, баркамол бўлиб вояга етишига, касб-ҳунар эгаллаб, меҳнатга иштиёқ уйғотишга хизмат қилмоқда. Туманда яратилаётган янги иш ўринларига ёшлар, асосан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тегишли ташкилотлар мутахассислари иштирокида касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини миллий ҳунармандчилик ва тадбиркорликка жалб қилиш мақсадида мунтазам суҳбатлар ўтказилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, келажагимиз эгаларининг ҳунар эгаллашларига, ўз фаолиятини, бизнесини йўлга қўйишларига замин бўлаётир. Тумандаги қатор маҳаллаларда "устоз-шогирд" анъаналари йўлга қўйилиб, ёш йигит-қизларга ҳунар сирлари ўргатилмоқда. Шу билан бирга, ҳудуд ёшлари орасида қишлоқ хўжалиги, жумладан, боғдорчилик билан шуғулланиб, ўз шахсий фермер хўжалигини йўлга қўйиб, кўплаб тенгдошларини иш билан таъминлашга ҳисса қўшаётган вакиллар ҳам борлиги қувонарлидир. Бир сўз билан айтганда, туманда ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасида муайян амалий ишлар олиб борилмоқда.

Шунингдек, ўрганишлар давомида депутатларимиз томонидан туман прокурорининг қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқубузарликларнинг олдини олиш борасида 2015 йил мобайнидаги фаолияти ҳамда 2016 йилдаги вазифалари бўйича ахбороти тингланди. Ахборотда қайд этилишича, вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича туман комиссияси ҳамда туман ички ишлар бўлими вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси инспекторлари томонидан қатор тарғибот-тушунтириш ишлари амалга оширилган. Маҳаллаларда, таълим муассасаларида оила-мактаб-маҳалла ҳамкорлигини изчил йўлга қўйиш борасида ҳам тарғибот ишлари олиб борилган, муайян чора-тадбирлар қўлланилган.

Туман ички ишлар бўлими вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси гуруҳи ҳамда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия фаолиятини ўрганиш натижаларига кўра, аниқланган қонун бузилишларни бартараф этиш тўғрисида 8 тақдимнома киритилган. Хусусан, улар вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, мунтазам равишда суҳбатлар ўтказиб бориш, ҳужжатларни юритишда камчиликларга йўл қўйган.

Ёшлар — юртимиз келажаги, эртанги кунимиз эгаларидир. Уларнинг таълим-тарбияси, иш билан бандлиги оилалар фаровонлиги, жамият равнақи ва мамлакат тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ. Бунда, айниқса, биз депутатлар ўз ваколатларимиздан самарали фойдаланган ҳолда жойларда ёш авлодни баркамол қилиб тарбиялаш борасида олиб борилаётган ишлар ҳолати ва кўламини ўрганишимиз, мутасадди идоралар фаолияти устидан депутатлик назоратини кучайтиришимиз лозим. Зеро, юрт тақдири, осойишталигини таъминлашга доир ҳар бир масалада халқ вакилларининг ўз ўрни ва муносиб ҳиссаси бўлиши керак.

Манзура НОРҚЎЗИЕВА,
халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат

Депутат сўров киритди

Ҳудудлар тараққиётига ҳисса қўшиш, партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда дастурий вазифалар ижросини таъминлашда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатлар муҳим ўрин тутади. Чунки, улар бевосита халқ орасида яшаб, ҳудудий масалаларни, одамларни, хусусан, партиямиз ижтимоий қатламига мансуб аҳолини қандай масала-муаммолар ўйлантираётганини яқиндан ҳис этади, кўриб-билиб туради. Шу боис ҳам улардан ташаббускорлик, электорат манфаатлари учун фидойилик, партия ишига чин дилдан ёндашиши талаб этилади.

Масаланинг катта-кичиги бўлмайди

энг муҳими, унга бефарқ қарамасликдир

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар аҳоли билан ҳамқадам, ҳамнафас бўлишга, уларнинг ўй-фикрларини ўрганишга, мурожаатларига бефарқ бўлмасликка интилмоқда. Ҳудудлардаги масала-муаммоларни ҳал қилишда, айниқса, депутатлик сўрови ваколатидан самарали фойдаланилаётир. Бу борада 2015 йилда вилоятдаги барча маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари 470 га яқин, жорий йилнинг 1-чораги мобайнида эса юздан ортиқ депутатлик сўровини амалга оширган. Бунинг натижасида ҳудудлардаги қатор масалалар ижобий ҳал этилган, фуқаролар мурожаатларига ўз вақтида амалий жавоб қайтарилган.

...Самарқанд шаҳар "Юлдуз" маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари йиғилишига ушбу ҳудуддан вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Баҳора Ахатова ҳам таклиф этилди. Йиғилишда маҳалла фаоллари сўзга чиқиб, аҳолини ўйлантираётган айрим масалалар юзасидан депутатга мурожаат қилишди. Уларнинг айтишича, ҳудуддаги кўп қаватли уйлар олдидаги ёритгичлар сўнгги пайтда ишламай қолган. Бу эса, тунги вақтларда маҳалла ҳудудида турли кўринишдаги қонунбузарлик, масалан, безорилик, енгил автомашиналарга техник зиён етказиш, майда ўғирликлар содир бўлишига олиб келган. Депутат фуқароларнинг ушбу мурожаати юзасидан "Самарқанд Нур" давлат унитар корхонаси раҳбари Умиджон Исоқуловга депутатлик сўрови юборди. Натижада, ушбу муаммони корхона мутахассислари ўрганиб, ўз вақтида бартараф этишди.

Шунга ўхшаш яна бир масала бўйича "Семурғ", "Истиқлол", "Марҳабо" маҳаллалари аҳолиси номидан фуқаролар Мавлуда Жалилова ҳамда Фарида Аннаева депутатга ёзма мурожаат қилди. Унда ушбу маҳаллалардаги кўп қаватли уйларга ўрнатилган трансформаторлар эскириб қолганлиги сабабли электр энергияси таъминотида айрим носозликлар юзага келаётгани ифодаланган. Ушбу масала юзасидан депутат Б.Ахатова юборган депутатлик сўровига "Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари" корхонаси директори Ғулом Примовнинг йўллаган жавоб хатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги "2015-2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ва модернизация қилиш дастури тўғрисида"ги қарорига асосан республикамизда, шу жумладан, Самарқанд вилояти ва шаҳрида ҳам эскирган электр узатиш тармоқлари, трансформатор пунктларини реконструкция қилиш, янги электр қурилмалари қуриш ишлари режа асосида босқичма-босқич амалга ошириб борилаётгани, жумладан, депутатлик сўровида назарда тутилган Самарқанд шаҳрининг "Семурғ", "Истиқлол", "Марҳабо" маҳаллаларида ҳам электр энергияси узатилишини янада яхшилаш мақсадида шаҳар электр таъминоти корхонаси амалий ишларни бошлагани айтилади. Яъни, ҳудуддаги 839-трансформатор масканидан 27-кўп қаватли уйгача бўлган масофада 0,4 КВТли ерости кабель тармоғи қайта таъмирдан чиқарилган, 35-кўп қаватли уйнинг электр энергияси таъминотини 929-трансформатор масканига ўтказиш ишлари якунланган. 835-трансформатор масканидан 56, 54-кўп қаватли уйларгача бўлган масофада 0,4 КВТли ерости кабель тармоғи алмаштирилган, 836-трансформатор пунктига яна битта трансформатор ўрнатилиб, ишга туширилган. Шунингдек, жавоб хатида юқорида номлари келтирилган маҳаллалар ҳудудидаги бошқа трансформатор масканлари ва электр узатиш тармоқлари ҳам босқичма-босқич таъмирланиши, реконструкция қилиниши айтилган. Жавоб хатидан кўриниб турибдики, фуқаролар мурожаатида келтирилган масала ўз ечимини топган. Бу борадаги ишлар яна изчил давом эттирилмоқда.

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларидаги ЎзМТДП гуруҳлари аъзоларининг бу каби амалий ишлари, аҳоли ва электорат вакилларини ўйлантираётган масалалар ечимига қаратилган саъй-ҳаракатларидан яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Энг муҳими, маҳаллий Кенгашлардаги депутатларимиз кўмагида ҳудудий масалалар ижобий ҳал этилмоқда, ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар — аҳоли тумуш сифати ва қулайликларини, фаровонлигини янада оширишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Халқ вакилларининг бу каби ташаббускорлиги, фаоллиги нафақат депутатларнинг, балки партиямизнинг нуфузи ошишига, хайрихоҳлари сафи кенгайишига хизмат қилади.

Ориф ХОЛИҚУЛОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Ўз-ўзини танқид

Сайловчилар ўз вакилларидан

янги-янги ташаббусларни кутмоқда

Ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш жараёнида халқ вакилларининг ваколатлари, ҳудудлар тараққиётидаги ўрни ва мавқеи тобора юксалиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, улар зиммасига катта масъулият, сайловчилари олдида ҳисобдорлик вазифасини юклайди, хотиржамликка йўл қўймайди. Шу сабабли халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги ЎзМТДП гуруҳлари фаолияти ўтган 2015 йилда нисбатан самарали якунланди.

Партия Марказий кенгашининг яқинда бўлиб ўтган V пленумида депутатлик бирлашмалари, хусусан, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг ўтган йилдаги фаолияти натижалари сезиларли даражада ўсганлиги эътироф этилди. Жумладан, 2015 йилда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ўз ваколатлари доирасида турли масалаларга оид 3 мингга яқин депутатлик сўровини амалга оширган. Бу эса 2014 йилга нисбатан қарийб мингтага кўп. 2014 йилда партия гуруҳлари аъзолари ташаббуси билан 301 нафар мансабдор шахснинг ҳисоботи тингланган бўлса, бу кўрсаткич 2015 йил давомида 638 тага етган. Бундан ташқари, партия дастурий мақсад-вазифалари ҳамда электорати манфаатларига доир 295 таклиф халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар йиғилишларига, 70 ташаббус-масала сессиялар кун тартибига киритилиб, тегишли қарор қабул қилинишига эришилди.

• ЎзМТДП гуруҳларининг 2015 йилда амалга оширган депутатлик сўровлари 2014 йилга нисбатан 997 тага кўпайган.

• Ўтган йилда партия гуруҳлари ташаббуси билан 70 ташаббус-масала сессиялар кун тартибига киритилиб, тегишли қарор қабул қилинишига эришилди.

Партия гуруҳлари ташаббуси билан сессияларга киритилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинишига эришиш катта муваффақият саналади. Чунки сессия қарори асосида кўтарилган масалага доир тегишли ташкилот, корхона ва идоралар, мансабдор шахслар зиммасига аниқ вазифалар юклатилади, мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланади, уларнинг ижроси назоратга олинади. Демак, партия гуруҳларининг маҳаллий Кенгаш сессиялари йиғилишларидаги фаоллиги, ташаббускорлиги аниқ саъй-ҳаракатларга йўл очади, амалий ишларга асос бўлади.

Шу боис, ЎзМТДП марказий ва ҳудудий ташкилотлари партия гуруҳларининг бу борадаги фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Уларга амалий ёрдам бериш мақсадида ЎзМТДП Марказий кенгаши 2015 йил март ойида халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессиялари кун тартибига партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар асосида олиб чиқилиши мўлжалланаётган масалалар юзасидан таклифлар концепциясини ишлаб чиқди ва партия ҳудудий ташкилотлари ҳамда гуруҳларига тақдим этди. Мазкур концепцияда белгиланган вазифаларнинг босқичма-босқич амалга ошириб келинаётгани эътиборга молик. Аммо маҳаллий Кенгашлардаги барча партия гуруҳи ҳам мавжуд имконият ва ваколатларидан унумли фойдаланяпти, дея олмаймиз. Ўтган йили айрим туман, шаҳар, ҳатто вилоят Кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятида сессиялар кун тартибига масала олиб чиқиш борасида ташаббускорлик етишмади. Хусусан, халқ депутатлари Андижон, Хоразм вилоятлари Кенгашларидаги партия гуруҳлари ўтган йил мобайнида бирорта ташаббус-масалани маҳаллий Кенгаш сессиясига олиб чиқмаган.

Гувоҳи бўлганимиздек, партия ташкилотлари депутатлар фаолиятига кўмакдош бўлмоқда, муайян ташаббусларни амалга оширишда ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Аммо барча партия гуруҳи ҳам бундай имкониятдан самарали фойдалана олмаяпти.

— Бугун мамлакатимизда депутат мақоми янада юқори даражага кўтарилиб, уларга кенг ваколатлар берилмоқда, — **дейди халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Ибодилла Болтаев.** — Ушбу ваколатлардан самарали фойдаланиш, муайян масалаларни ҳал қилиш имкониятига эгамиз. Аммо 2015 йилда маҳаллий Кенгаш сессияларига мавзо сала киритишда партия гуруҳимиз аъзоларида ташаббускорлик етишмади, фаоллик кўрсата олмадик. Илгари йўл қўйилган камчиликлардан тўғри хулоса чиқариб, бу йил фаолиятимизни кучайтиришни мақсад қилганмиз. Партия Марказий кенгаши томонидан тақдим этилган чора-тадбирлар режасида кўзда тутилган вазифаларни амалга оширишга интиляпмиз. Келгусида бу борадаги фаолиятимизни янада жонлантириб, ЎзМТДП сайловолди Платформасидаги мақсад-вазифалар ижросига ўз ҳиссамизни қўшамиз.



— Партия гуруҳимизнинг ўтган йилги фаолияти, ЎзМТДП Марказий кенгаши пленумида, шунингдек, партия вилоят ташкилотининг кенгайтирилган йиғилишида таҳлил ва танқид қилинди, — **дейди халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи раҳбари Садбар Мамитова.** — Шу боис, бу йилги саъй-ҳаракатларимизни тубдан кучайтиришни режалаштирганмиз. Бугунги давр депутатлардан ўз ваколатларини партия электорати манфаатлари йўлида сафарбар қилишни, фаоллик кўрсатишни талаб этаётир. Қолаверса зиммамиздаги масъулиятни янада чуқур ҳис этиб, шунга мос ҳолда ҳаракат қилишимиз лозим. Партия гуруҳимиз жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоятимизда амалга оширилаётган ободонлаштириш, қурилиш-бунёдкорлик ишлари борасида депутатлик назоратини ўрнатиб, вилоят ҳокими ўринбосарининг ҳисоботини эшитишни режалаштирган. Бундан ташқари, партия гуруҳимиз аъзолари фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишда ҳам фаол иштирок этади.

* * *

Маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатларимизнинг ўтган йилги фаолиятини сарҳисоб қилар эканмиз, аввалги йилларга нисбатан ижобий ўзгаришлар бўлганини кузатиш мумкин. Аммо айрим партия гуруҳлари фаолиятидаги сусткашликлар ушбу фаолиятга жиддий ёндашиш, ташаббус кўрсатишни талаб этади. Зеро, бугун сайловчи ўз вакилларидан жамият ҳаётига, аҳоли турмушига, юрт тақдирига дахлдор ташаббуслар, мақсадли саъй-ҳаракатларни кутмоқда.

Муҳтарама КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

MILLIY TIKLANISH
13 (385) 2016 йил 6 апрель, чоршанба

ЎзМТДП ташкилотларида

Изчил изланиш ва доимий ҳаракат

партия ҳудудий ташкилотлари фаолиятининг асосий мезонига айланиши керак

< Давоми. Бошланиши 1-бетда.

Нотиқ Тошкент шаҳар кенгаши фаолиятига эътибор қаратар экан, ўтган йилда ташкилот ишида сезиларли жонланиш кузатилгани, эришилган натижалар билан бир қаторда эътибордан четда қолаётган масалалар ҳам мавжудлиги, жорий Соғлом она ва бола йилида партия фаоллари зиммасидаги масъулиятли вазифалар хусусан, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда халқ депутатлари шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳининг фаолиятини янада жонлантириш лозимлигига эътибор қаратди.

Зеро, интилиш, изланиш бор жойда юксалиш бўлади. Ана шу ғояга амал қилиш ҳар бир халқ вакилининг кундалик шиорига айланмоғи лозим.

— Мамлакатимиз истиқлолга эришганидан сўнг юртимизда аҳоли соғлиғини мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди, — деди партия Тошкент шаҳар кенгаши раиси Рустам Қосимов. — Айниқса, она ва бола саломатлигини асраб-авайлаш устувор вазифага айланди. 2016 йил юртимизда Соғлом она ва бола йили деб эълон қилингани замирида ҳам ана шундай муҳим ҳаётий қадриятни жамиятимизда янада чуқур қарор топтириш, ҳар жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги ишларни янада юксак босқичга кўтаришдек эзгу мақсад мужассам. Энг муҳими, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, инсон манфаатлари учун хизмат қилаётганини жаҳон ҳамжамияти эътироф этмоқда. Болалар саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида амалга оширилаётган ишларни кўплаб хорижий давлатлар қўллаб-қувватламоқда. Шубҳасиз, соғлом боланинг дунёга келиши, биринчи навбатда, онанинг соғлиғига боғлиқ. Шу нуқтаи назардан бу йил ижтимоий шерикларимиз билан ҳамкорликда амалга оширадиган лойиҳаларда аёллар манфаатини ҳимоя қилиш, оиладаги маънавий муҳитни янада яхшилаш, хотин-қизларнинг тиббий маданиятини юксалтириш, уларнинг замонавий билим ва касб-ҳунарларни эгаллашига ёрдам бериш, эрта никоҳларнинг олдини олиш, изланувчан, ташаббускор ёшларнинг салоҳиятини рўёбга чиқаришга ҳам эътибор қаратилмоқда.

Таъкидланганидек, партия ташкилоти ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги ЎзМТДП гуруҳи ўтган йил давомида, асосан, партия дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш, аниқ саъй-ҳаракатлар воситасида электорат манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишга эътибор қаратди. Жумладан, партия гуруҳи аъзолари жорий йил бошидан буён электорат вакиллари, сайловчилар манфаатларини ҳимоя қилиш, пойтахт ҳудуди ривожига қаратилган 78 депутатлик сўровини амалга оширди. Улар кўмаги билан аҳоли мурожаатлари асосида қатор масалалар ўз ечимини топмоқда. Бундан ташқари, партия гуруҳи халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессиялари кун тартибига, доимий комиссиялар йиғилишларига қатор ташаббус-масала ҳамда таклифлар билан чиқди, мансабдор шахсларнинг ҳисоботларини тинглади. 2015 йил мобайнида сессия кун тартибига 4 ташаббус-масала киритилиб, қарор қабул қилинишига эришилди. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини янада ривожлантириш тўғрисида", "Тўй-ҳашамлар, оилавий тантаналар, маърака ва маросимларни тартибга солиш тўғрисида", "Тошкент шаҳрида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган чора-тадбирлар дастури ижроси тўғрисида"ги масалаларнинг сессиялар кун тартибига киритилиши партия сайловолди Платформаси ижросини таъминлашга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Йиғилишда партия фаолиятига доир бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Барча масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

***

Ўзбекистон "Миллий тиклаиниш" демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгаши йиғилишида ҳам айни шу масалалар кун тартибидан жой олди.

ЎзМТДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Баҳодир Худойқулов партиянинг 2015 йилдаги фаолияти юзасидан ахборот берар экан, партия ташкилоти аҳоли, айниқса, ёшлар қалбида миллий қадриятларимиз, маданий меросимиз, анъана ва урф-одатларимизга бўлган юксак ҳурмат, муҳаббат туйғуларини янада кучайтириш, навқирон авлоднинг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти, саводхонлигини юксалтириш, миллий истиқлол ғоясига садоқат руҳида тарбиялаш ва уни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган қатор сиёсий, маънавий-маърифий тадбирларни амалга оширганини таъкидлади. Ҳисобот даврида партия ташкилоти 1 минг 353 тадбир ташкил этиб, уларга 40 мингдан ортиқ партия фаоллари ва хайрихоҳлар жалб этилди.

Қайд этилганидек, йил давомида бир қатор йирик лойиҳалар амалга оширилиб, булар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш, ЎзМТДПнинг ғояси, мақсади ва вазифаларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва партия электорати ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Ҳисобот даврида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари 344 депутатлик сўровини амалга оширди, 7 ташаббус-масалани сессиялар кун тартибига олиб чиқиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди. Бу жараёнда халқ депутатлари Бойсун, Шеробод, Ангор туман Кенгашидаги партия гуруҳлари фаоллик кўрсатди. Аммо, халқ депутатлари Қизириқ, Денов ва Узун туман Кенгашидаги партия гуруҳлари фаолиятида сусткашликка йўл қўйилгани қайд этилди. Йиғилишда улар фаолиятини жонлантириш юзасидан таклиф ва тавсиялар берилди.

Ушбу масала юзасидан ЎзМТДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси ўринбосари Шоҳида Орипова сўзга чиқди. Таъкидланганидек, депутатларда жойлардаги ижтимоий-иқтисодий ҳаётда рўй бераётган воқеаларни, ютуқ ва камчиликларни кузатиш, таҳлил қилиб бориш имконияти катта. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ, айни пайтда, аҳолининг ижтимоий фаоллиги ошиб, юртдошларимизнинг сиёсий ва ҳуқуқий маданияти сезиларли даражада юксалди. Бу эса халқ ишониб сайлаган депутатларнинг янада фаол, ташаббускор бўлишини талаб этмоқда.

Йиғилишда ЎзМТДП Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси девони бўлим бошлиғи Ҳ.Ражабов сўзга чиқиб, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда партия ташкилоти ва гуруҳлари олдида турган вазифалар юзасидан фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Якунда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Хроника

Ёшлар ташаббускорлигини ошириш

партия ҳудудий ташкилотлари фаолияти самарадорлигининг муҳим омили

Тошкент вилояти

ЎзМТДП Тошкент вилояти туман ва шаҳар кенгашлари "Ёшлар қаноти" нинг конференцияси бўлиб ўтди. Унда халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Ёшлар қаноти" етакчилари иштирок этди.

Конференцияда таъкидланганидек, ЎзМТДП ўз дастурий мақсад-вазифаларини амалга ошириш жараёнида давлатимизнинг ёшларга оид сиёсатини қўллаб-қувватламоқда. Ёшларнинг яратилаётган имкониятлардан унумли фойдаланиши, ҳар жиҳатдан соғлом бўлиб вояга етишига кўмаклашиш, турли ёт оқим, мафкуравий таҳдидлардан сақлаш, миллий ғурур туйғусини уйғотиш, Ватанга содиқ қилиб тарбиялаш партия ташкилотлари, хусусан, "Ёшлар қаноти" олдида турган муҳим вазифадир.

ЎзМТДП Тошкент вилояти "Ёшлар қаноти"да 7,5 мингдан зиёд ёшлар бирлашган. Ҳисобот жараёнида "Ёшлар қаноти" фаолияти танқидий таҳлил этилди ва етакчилар сайланди. "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастури ижросини таъминлашда партия ташкилотлари олдида турган масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, аёллар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш, жамоатчилик ва депутатлик назоратини кучайтириш, ёш авлодни миллий қадриятлар руҳида тарбиялашга қаратилган муҳим вазифалар белгилаб олинди.

Хоразм

ЎзМТДП Урганч туман кенгаши "Аёллар қаноти" "Оилалар саодати — мустақиллик самараси" мавзусида кўрик-танлов ташкил этди. Унда таъкидланганидек, оила — муқаддас маскан, қадриятларимиз бешиги. Бу институтни изчил ривожлантириш, анъаналаримизни тарғиб қилишни кучайтириш, оила муносабатларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларининг амалдаги ижросини таъминлаш, оилалардаги мавжуд муаммоларни ўрганиш, ёш ва намунали оилаларни моддий-маънавий рағбатлантириш долзарб масала. Зеро, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар маънавиятини юксалтириш борасида белгиланган вазифалар партия ташкилотлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Партия сайловолди Платформасида ҳам мамлакатда оилаларни мустаҳкамлаш ва оилавий қадриятларни ардоқлаш, ёш оилаларга ғамхўрликни ошириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, соғлом ва мустаҳкам оилалар сонини янада кўпайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишларга кўмаклашиш устувор вазифа этиб белгиланган.

Тадбирда ёш авлодни оилани қадрлаш, асраб-авайлаш руҳида тарбиялаш муҳим вазифалардан экани таъкидланди. Кўрик-танлов ғолиблари аниқланиб, уларга эсдалик совғалари топширилди.

Бухоро

ЎзМТДП Жондор туман кенгаши "Ёшлар қаноти"нинг конференцияси бўлиб ўтди. Унда партия вилоят кенгаши ходимлари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Ёшлар қаноти" фаоллари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Бугун ёшларни миллий қадрият ва анъаналарга ҳурмат руҳида тарбиялаш, бандлигини таъминлаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш долзарб масала саналади, — деди партия вилоят кенгаши ёшлар масалалари бўйича етакчи мутахассиси Дилфуза Яҳёева. — Партия "Ёшлар қаноти" амалга ошираётган турли лойиҳалардан кутилган асосий мақсад ҳам ЎзМТДП атрофига ҳар жиҳатдан фаол ва ташаббускор ёшларни жамлаш, партия дастурий мақсад-вазифаларини ҳаётга татбиқ этишда навқирон авлод кўмагига таяниш, улар орасига чуқурроқ кириб бориш, аҳолининг партиямизга бўлган ишончини мустаҳкамлашдан иборат. Ўтган йилда ёшларни эзгу мақсадлар сари бирлаштириш, интеллектуал ва ижодий салоҳиятини юксалтириш, истеъдодли ёшларни рағбатлантириш мақсадида ўнлаб тадбир ўтказдик. Тадбирлар давомида жамият ҳаётининг барча жабҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг, баркамол авлод тарбияси йўлидаги чексиз меҳр-эътибор, ғамхўрликнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини кенг тушунтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Конференцияда партия ташкилоти фаолияти танқидий таҳлил этилди. "Ёшлар қаноти" фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштириш, "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш, бу борада партия ташкилоти олдида турган долзарб вазифаларга эътибор қаратилди.

Қашқадарё

ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши "Ёшлар қаноти", "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши ҳамда муҳандислик-иқтисодиёт институти ҳамкорлигида "Тафаккур синовлари" республика танловининг шаҳар босқичи бўлиб ўтди. Танлов ёшларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим даражасини янада юксалтириш, назарий билимларини ҳаётга татбиқ этиш кўникмасини шакллантириш, навқирон авлодга интеллектуал салоҳиятини намойиш этиш учун имконият яратиш ҳамда истеъдодли ёшларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилди.

— Жамиятда ёшлар фаоллигини ошириш, ташаббускорлигини кучайтириш умумий мақсадимиз, — деди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати шаҳар кенгаши етакчиси Шаҳбоз Чоршанбиев. — Бундай тадбирлар иқтидорли ёшларни аниқлаш, уларни ҳаётда тўғри йўл ва касб танлаш, билимини ошириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фаол иштирок этишга ундаш каби муштарак мақсадларимиз рўёбида муҳим аҳамият касб этади. Бунда бизга улуғ аждодларимиз мероси ва давлатимиз томонидан амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислоҳотлар мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилади.

Тадбир якунида фаол иштирокчилар партия шаҳар кенгаши ва ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлиқ ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Наманган

ЎзМТДП Норин туман кенгаши "Қадриятлар қадр топган юрт" мавзусида тадбир ташкил этди. Ундан кўзланган мақсад — миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, уларни келажак авлодга бекаму кўст етказиш, мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларни аҳоли орасида кенг тарғиб қилишдан иборат.

— Маънавиятимизни юксалтиришда миллий урф-одат ва анъаналаримизни тарғиб қилиш, уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч-осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли масалаларни биргаликда ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этмоқда, — деди партия туман кенгаши раиси Мансур Мадяров. — Истиқлол миллий-маънавий қадриятларимизга янги ҳаёт бахш этди. Бу жараёнда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат руҳида тарбиялашда партия ўтказаётган маънавий-маданий тадбирлар, турли лойиҳа ҳамда кўрик-танловларнинг ўрни беқиёс. Партиянинг "Миллий халқ ўйинлари" фестивали, "Озод юртнинг обод гўшаси" акцияси, "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" сингари кўрик-танловлари азалий қадриятлар бардавомлигини сақлаш, келажагимиз эгаларида бой тарихимиз ва халқ анъаналарига нисбатан ҳурмат туйғусини уйғотишда айни муддао бўлаётир.

Тадбирда ёш авлодни ёт ғоя ва турли иллатлар таъсиридан асраш, улар маънавиятини юксалтиришга қаратилган ишлар самарадорлигини янада ошириш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

Бошланғич партия ташкилотлари — бош таянчимиз

Маҳалла ва қуйи бўғин ҳамкорлиги

оилаларда соғлом ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга хизмат қилмоқда

Партиянинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш, дастурий мақсад ҳамда ғояларини ҳаётга кенг татбиқ этишда бошланғич партия ташкилотлари муҳим ўрин тутади. Чунки қуйи бўғин аҳоли ичига бевосита кириб бориш, партия ғояларини тарғиб-ташвиқ қилиш ва электоратни ўйлантираётган масалаларга ечим топишда бевосита кўмаклашиш имконига эга. Бугун бошланғич партия ташкилотларининг аралашуви ва кўмаги билан айрим маҳаллий масалаларга ўз вақтида ечим топилаётгани аҳолининг қуйи бўғинга бўлган ишончини янада мустаҳкамламоқда.

ЎзМТДП Янгиер туман кенгашида ҳам бундай бошланғич партия ташкилотлари кўпчиликни ташкил этади. Айниқса, маҳаллалар қошида ташкил этилаётган қуйи бўғинлар оилаларда соғлом ва маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш, оилалардаги онда-сонда бўлса-да учраб турадиган низо ва келишмовчиликларни тинч йўл билан ҳал этишда фаоллик кўрсатаётир.

— Бунга "Обод юрт" маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган қуйи бўғин фаолияти яққол мисол бўла олади, — дейди ЎзМТДП Янгиер шаҳар кенгаши раиси Бердиёр Латипов. — У, айниқса, ёш оилалардаги айрим тушунмовчилик ва келишмовчиликларни бартараф этишда аҳолининг энг яқин суянчига айланган. Бунда маҳалла фуқаролар йиғини билан қуйи бўғин ҳамкорлигида ўтказилаётган турли тадбир ва тарғибот ишлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтган йил давомида "Оила — муқаддас даргоҳ", "Оиладаги соғлом муҳитнинг фарзанд тарбиясидаги ўрни" "Маҳалла — бетакрор миллий қадриятлар маскани", "Аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни" каби мавзуларда ўнга яқин тадбир ўтказилди. Уларда бевосита иштирок этган отахон ва онахонларнинг ибратли ҳаёт йўли ва тажрибаларидан иборат ҳикоялари, кўрган-кечирганлари ёшларда катта таассурот қолдирди. Қуйи бўғиннинг иш тажрибаси ўз сафида мингга яқин аъзони бирлаштирган шаҳримиздаги 34 бошланғич партия ташкилотида оммалаштирилмоқда. Ўтган йилда қуйи бўғин етакчилари тажрибасини ошириш учун олти ўқув-семинар ташкил этдик. Семинарларда "Обод юрт" маҳалла фуқаролар йиғини қошида ташкил этилган қуйи бўғиннинг маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликдаги самарали фаолияти таҳлил қилинди.

Мустаҳкам оилалар сафини кенгайтириш, оилаларда соғлом муҳитни шакллантириш ва турли низоларни ҳал қилиш ЎзМТДПнинг сайловолди Платформасидаги устувор вазифалардан саналади. Партия турмушда учраб турадиган кичик низоларни судгача ҳал этиш тизимини ривожлантириш, ҳар қандай низони тинч йўл билан ҳал этишга интилиш, муроса йўлини танлаш, бу борада маҳалланинг хизматидан янада кенгроқ фойдаланиш тарафдори. Қуйи бўғинларнинг маҳалла фуқаролар йиғини билан ўзаро ҳамкорлиги партия мақсад-вазифалари рўёбига хизмат қилаётир.

— Ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик ва тотувлик, миллий қадриятлар, урф-одат ва анъаналарни тиклаш ва ривожлантиришда маҳалланинг ўрни салмоқли, — дейди қуйи бўғин етакчиси Н.Астафурова. — Фуқароларнинг қарор қабул қилиш жараёнида иштирок этиши учун имконият яратиш мақсадида халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгашига бир қанча таклифлар бердик. Масалан, шаҳримизда тўй-маракаларни ихчамлаштириш тўғрисидаги мурожаатимиз фуқароларимизнинг кўнглидаги иш бўлди. Мазкур ташаббус халқ депутатлари Янгиер шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар кўмагида олиб чиқилди. Ташаббусимиз сессия қарори билан тасдиқланса, тўй-маросимларни дабдабали ўтказиш ва исрофгарчилик каби нохуш ҳолатларнинг камайишига эришамиз.

Мазкур қуйи бўғинда яна бир яхши анъана шакллланган: ЎзМТДПдан маҳаллий Кенгашларга сайланган депутатларнинг ҳар ойда бир марта электорат вакиллари билан учрашуви ташкил этилади. Ўтган йил ана шундай учрашувлар воситасида бевосита электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган иккита масала доимий комиссияларга олиб чиқилди. Қуйи бўғиннинг электорат ва маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг учрашувларини ташкил ташкил этиш, мулоқотлар орқали айрим ҳудудий масалаларни муҳокама қилиш имкониятини яратиб бераётгани унинг нуфузини оширишга хизмат қилмоқда.

Нилуфар ЭРГАШЕВА,
ЎзМТДП Сирдарё вилоят кенгаши етакчи мутахассиси

Фракция фаолияти

Парламент ва жамоатчилик назорати

фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим омили

**< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.**

Дарҳақиқат, мазкур масалалар қонун устуворлиги, қонунийликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришда жамоатчилик назорати институти ҳам алоҳида ўрин тутади. Йиғилишда Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси ва фракция аъзоси Ж.Ширинов "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёни, унинг концепцияси, мазмун-моҳияти ҳамда билдирилаётган таклиф-мулоҳазалар хусусида маълумот берди. Фракция аъзолари "Жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини тайёрлаш борасида олиб борилаётган ишларни қўллаб-қувватладилар.

Шу билан бирга, йиғилишда сўз олган депутатлар қонун лойиҳасига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кирувчи масалалар юзасидан ҳисоботларини эшитиш бўйича ваколатини алоҳида назорат шакли сифатида киритишни таклиф этдилар.

Шунингдек, йиғилишда фракциянинг 2016 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишлари доирасида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши ҳолати ҳам муҳокама қилинди. Депутатлар фракция фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирди, келгусида фракция иш дастурида белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш масалалари келишиб олинди.

Ўз мухбиримиз

Маънавий иммунитет

Ахборот олиш маданияти

ЎзМТДП навқирон авлодда мана шу билим-кўникмани мустаҳкамлаш тарафдори

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ миллий ахборот тизимини шакллантириш, ахборотлаштириш соҳасини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Интернет хизматларини ривожлантириш, фуқароларнинг тезкор, холис ва ишончли ахборот билан таъминлашга қаратилган ўнлаб қонун ҳужжатлари қабул қилинмоқда. Миллий ахборот ресурслари сифатини ошириш, Интернетнинг миллий сегментида ёшлар билим-кўникмаларини ривожлантириш бўйича юртимизнинг барча ҳудудида давра суҳбатлари, семинар-тренинглар ўтказиб келинаётгани ўзининг ижобий самарасини бераётир.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Тошкент вилоят кенгаши Ўзбекистон Миллий университети қошидаги Зангиота академик лицейида "Миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ёшларда Интернет маданиятини шакллантиришнинг долзарб вазифалари" мавзусида ўтказган давра суҳбатида шу хусусда сўз борди.

— Бугунги кунда дунё миқёсида глобал иқтисодиётда компьютер ва телекоммуникация технологиялари, дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва улар асосида кенг турдаги интерфаол хизматлар кўрсатишнинг роли ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда, — деди давра суҳбатини кириш сўзи билан очган ЎзМТДП Тошкент вилоят кенгаши раиси Махмуд Назаров. — Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият — енгилмас куч" асарида таъкидлаганидек "Бугунги кунда ёшларимиз нафақат ўқув даргоҳларида, балки радио- телевидение, матбуот, Интернет каби воситалар орқали ҳам ранг-баранг ахборот ва маълумотларни олмоқда. Жаҳон ахборот майдони тобора кенгайиб бораётган шундай бир шароитда болаларимизнинг онгини фақат ўраб-чирмаб, уни ўқима, буни кўрма, деб бир томонлама тарбия бериш, уларнинг атрофини темирдевор билан ўраб олиш, ҳеч шубҳасиз, замоннинг талабига ҳам, бизнинг эзгу мақсад-муддаоларимизга ҳам тўғри келмайди. Нега деганда, биз юртимизда очиқ ва эркин демократик жамият қуриш вазифасини ўз олдимизга қатъий мақсад қилиб қўйганмиз ва бу йўлдан ҳеч қачон қайтмаймиз". Давра суҳбатида таъкидланганидек миллий ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва ёшларда Интернет маданиятини шакллантириш бугунги куннинг ўта муҳим вазифасига айланмоқда. Ҳозирда мобиль алоқа ва Интернет тармоқларидан фойдаланмайдиган ёшларни учратиш қийин. Бу бир томондан жамиятимизда замонавий ахборот технологияларининг ривожланишига ёшлар эътибори ва қизиқиши кучаяётганидан далолат берса, иккинчидан, айнан мафкуравий таҳдидлар, "оммавий маданият"нинг турли кўринишлари ижтимоий тармоқлар орқали кириб келаётган барчамизни ташвишга солмоқда. Бу каби тадбирлар навқирон авлодда ахборот олиш маданиятини шакллантириш, улар онгу шуурини турли ёт иллатлар таъсиридан ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Ахборот хавфсизлигини таъминлаш маркази бош мутахассиси Фахриддин Солиев, ЎзМТДП Тошкент вилояти кенгаши Ижроия қўмитаси девони раҳбари Шуҳрат Насимов, Зангиота академик лицейи ўқитувчиси Зоир Алмуротов, ЎзМТДП Зангиота туман кенгаши раиси Нилуфар Нормуҳамедова мавзу юзасидан маъруза қилди. Қайд этилганидек, аҳолининг интеллектуал эҳтиёжини қондириш, уларга дунё ахборот маконидан маълумот қабул қилиш, уни саралаш, таҳлил этиш ва етказиш мақсадида миллий анъаналаримизга мос Интернет сайтлари ташкил этилмоқда. Айни мақсадга хизмат қиладиган китоблар, буклетлар чоп этилиб, оммага етказилмоқда. Бу нафақат ёшларнинг, балки аҳолининг барча қатламларида ахборот хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилаётир. Давра суҳбатида мазкур ахборот манбаидан оқилона фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

**Ойдин АЛИМАРДОНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири**

9 апрель — Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун

Адоват эмас, адолат енгади

"Кимки ўзбек номини, ўзбек миллатининг куч-қудратини, адолатпарварлигини, чексиз имкониятларини, унинг умумбашарият ривожига қўшган ҳиссасини, шу асосда келажакка ишончини англамоқчи бўлса, Амир Темур сиймосини эслаши керак".

Ислом КАРИМОВ

Мустақилликнинг илк йиллариданоқ мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида буюк аждодларимиз хотираси ҳамда улар яратган улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклашга давлат сиёсати даражасида алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буюк боболаримизнинг жасорати, ақлу закоси, тафаккури, бизга қолдирган бой мероси бугунги авлодни комил инсон қилиб тарбиялашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Шундай экан, аждодларимиз даҳоси, уларнинг ҳаёти ва маънавий меросини чуқур ўрганиш, тадқиқ этиш ҳамда бутун дунёга янада кенг тарғиб қилиш янги авлоднинг бурчидир.

Буюк аждодларимиз тўғрисида сўз юритганда Амир Темур шахси алоҳида аҳамият касб этади. Мустақиллик йилларида Амир Темур шахси ва давлатчилик тарихи бўйича кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди, қанчадан-қанча китоблар ёзилди. Буларнинг барчаси Амир Темурдек буюк аждодимиз шахсини очиб бериш, тарғиб қилиш, ёшларимиз онгида ватанпарварлик ғояларини кучайтиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Амир Темурнинг давлат бошқаруви тажрибаларини ҳар томонлама ўрганиш ҳам назарий, ҳам амалий аҳамиятга эга. Соҳибқирон сиймоси ва унинг ҳаёт йўлини ўрганар эканмиз, бевосита "Темур тузуклари"га мурожаат қиламиз. Икки қисмдан иборат "Темур тузуклари"нинг биринчи қисмида ҳукмдор ҳаётининг муҳим воқеалари, яъни, юрт озодлиги йўлида олиб борган курашлари, давлат қуриш, салтанат устунларини мустаҳкамлаш ва бу борада амалга оширган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислоҳотлари хусусида сўз юритилган. Иккинчи қисмда эса давлатчиликнинг асослари, қонун-қоидалари, қўшин тузиш, уни сақлаш ва ҳаракатлантириш, тактикалар, тадбирлар моҳирона тавсиф этилган. Шунингдек, асарда қўшинни молиялаштириш каби ҳамма замон учун зарур бўлган тузуклар – қонун-қоидалар баён қилинган. Бир сўз билан айтганда, давлатчилик таълимотининг Амир Темурга хос қирралари юксак тафаккур билан ҳикоя қилинади-ки, бу орқали жаҳонгирнинг бошидан ўтказган, ҳаётининг энг чигал, энг шиддатли онлари кўз олдимизда гавдаланади.

Соҳибқирон давлат мустақиллигини мустаҳкамлаш, юрт тинчлигига рахна солаётган кучларни бартараф этиш учун ҳарбий ҳаракатлар олиб борди. Қайси бир ҳудудга юриш қилса, аввало, махсус кенгаш чақирилади ва бу анжуманда амирлар, нўёнлар, олиму уламолар, вазирлар билан бир қаторда оддий халқ вакиллари ҳам иштирок этади. "Маслаҳатчилар ва кенгаш аҳли йиғилганда, олдимиздаги ишларнинг яхшиёмон, фойда-зиён томонлари, уларни қилиш-қилмаслик ҳақида сўз очиб, (улардан) фикр сўрар эдим. Уларнинг сўзларини эшитгач, ишнинг ҳар икки томонини мушоҳада қилиб, фойда-зиёнларини кўнглимдан кечирар эдим, унинг хатарли томонларига кўпроқ эътибор назари билан қарардим, қайси бир ишда икки хатар мавжуд бўлса, уни (бажаришдан) воз кечардим", дейилади "Темур тузуклари"да. Демак, Соҳибқирон ҳар қандай йиғин, кенгаш ёхуд қурултойда ўртага ташланган масала бўйича кенгаш аъзоларидан маслаҳат сўрар экан, улар билдирган фикр ва таклифларни ўзи чуқур мушоҳада қилиб, кейин бир тўхтамга келган. Теран тафаккурнинг ҳосиласи бўлган ҳар қандай режа амалиётда фақат муваффақият қозонган. Шунингдек, "Тузуклар"да Амир Темур ҳарбий-сиёсий кенгашларда билдирган фикрларни таърифлаб шундай дейди: "Тажрибамдан маълум бўладики, кенгаш икки турли бўлур. Бири – тил учида айтилгани, иккинчиси – дилдан чиққани. Тил учида айтилганини (шунчаки) эшитардим. Дилдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим". Дарҳақиқат, Соҳибқирон аччиқ бўлса ҳам ҳақиқатни эшитишни истаган, ёлғондан ҳазар қилгани тўғрисида тарихий ҳужжатларда аниқ далиллар билан мисоллар келтирилган. Рост сўз, тўғри маслаҳат ҳукмдорнинг эътиборидан ҳеч қачон четда қолмаган. Шунинг учун ҳам ул зот ўз атрофига ростгўй, ақлли, билимдон, пок, имонли кишиларни тўплашга муваффақ бўлган, ҳақ ва адолатнинг устувор бўлишига эришиш учун бор куч ва салоҳиятини ишга солган. Бу натижаларнинг барчаси Амир Темур шахсини ҳар жиҳатдан кучли, билимдон, доно ҳукмдор сифатида намоён қилади.

Амир Темур сиёсатининг асосий кучқудрати қурултой, кенгаш ва тадбирлар, ижтимоий-сиёсий ва жамоатчилик институтлари фаолиятида ўзининг ёрқин ифодасини топган. Чунки, мазкур институтлар жамиятдаги барча қатлам ва тоифаларни ўзига қамраб олган бўлиб, бу жуда улкан сиёсий, ижтимоий тизимларни ташкил этган эди. Амир Темурдан олдин бирон бир давлат тажрибасида давлат қурултой, кенгаш ва тадбирлар каби ижтимоий-сиёсий, жамоатчилик институтлари воситасида бошқарилмаган эди. Чунончи, Соҳибқироннинг жамиятдаги 12 тоифани ўз салтанати устунлари деб билиши юқорида номи зикр қилинган бошқарув институтларининг нечоғлик пухталик билан тузилганини ҳам кўрсатади.

Қурултой, кенгаш, тадбирлар, ижтимоий-сиёсий ва жамоатчилик институтлари воситасида "Куч – адолатда" ғояси амалиётга моҳирона татбиқ этилди. Бу омил Амир Темурнинг ўзига хос бағрикенглик сиёсатини намоён қилади. Таъкидлаш керак, Соҳибқирон ўзга халқларнинг маънавиятига дахл қилган эмас, аксинча, қайси эл, қайси ўлкани ўз тасарруфига олса, маҳаллий халқни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга эътибор қаратган. Шунинг учун ҳам "Куч – адолатда" деган ғоя Амир Темур сиёсатининг асосий мафкурасига айланади. Зотан, буюк бобокалонимиз адолатни кучда эмас, балки, кучнинг адолатда эканини амалда исботлаган эди. Бугун Соҳибқироннинг "Адоват эмас, адолат енгади" деган қимматли сўзи ҳаётда, ҳамма замонларда ҳам алоҳида аҳамият касб этади.

Амир Темур бутун фаолияти давомида босқичма-босқич жами 27 давлатни салтанат таркибига қўшиб олади. Шу давр мобайнида 31 ҳарбий-сиёсий кенгаш чақирилади. Шунингдек, Амир Темур уста дипломат, кучли сиёсатчи ҳукмдор сифатида жуда кўп ўлка, элларни урушсиз, музокара ва сулҳларварлик тадбири билан қўлга киритган. Бу ҳақда тарихий солномаларда қайта-қайта эсланади. Шуни унутмаслик керакки, инсоният тарихи жаҳон цивилизациясига ижобий таъсир кўрсатган ҳар қандай омилни унутмайди. Амир Темур худди шундай даҳолардандир.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозим, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси милий тикланиш масаласига алоҳида эътибор қаратади. Миллий тикланиш бу миллий ўзлик туйғусининг уйғониши ва тобора мустаҳкамланиб боришидир. Инсонлар онгида миллий ўзлик туйғусини уйғотиш ва уни мустаҳкамлаш, аввало, аждодлар руҳига ҳурмат, улар қолдириб кетган бой маънавий ва маданий меросни кўз қорачиғидек асраб-авайлашдан бошланади. Шундай экан, партия ўзбек халқининг бой ўтмиши ва маданиятини камол топиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб этиш, Ўзбекистон тарихининг кенг миқёсда изчил ўрганилишини таъминлаш, бу борада холислик тамойилларига қатъий амал қилиш, тарихий ўтмишга бирёқлама ёндашувларга, нохолисликка йўл қўймаслик, тарихимизни бузиб, сохталаштириб талқин этишларга нисбатан қарши кураш олиб боришни ўзининг устувор вазифалари сифатида белгилаган. Бу каби дастурий мақсад-вазифаларимиз ижросига ҳар биримиз масъулият билан ёндашишимиз лозим.

**Шерзод РАҲИМОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси**

Тинчлик ва хавфсизлик учун бирга курашамиз

Осойишталик — ҳаётимиз асоси

барча орзу умидларимиз манбаи

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Навоий вилоят кенгаши "Тинчлик ва хавфсизлик учун бирга курашамиз" мавзусида тадбир ташкил этди. Унда ЎзМТДП фракцияси аъзолари, партия вилоят, туман ва шаҳар кенгаши ходимлари, халқ депутатлари вилоят ва шаҳар Кенгашларига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Навоий шаҳар кенгаши, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва шаҳар бўлимлари, Маънавият тарғиботи маркази, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази мутахассислари, ёшлар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

— Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик фаровон ҳаётимиз, халқимизнинг эзгу орзу интилишларини рўёбга чиқишида муҳим омил бўлмоқда, — деди тадбирда сўзга чиққан ЎзМТДП фракцияси аъзоси Козим Тожиев. — Буни мамлакатимизнинг ҳар бир жабҳасида қўлга киритилаётган юксак натижалар, аҳоли турмуш даражасининг юксалиб бораётгани, келажагимиз давомчилари бўлган ёшларнинг турли йўналишларда қўлга киритаётган ютуқ ва марралари мисолида яққол кўришимиз мумкин. Шаҳар ва қишлоқларнинг кун сайин чирой очиб бораётгани, одамлар кайфиятидаги шукроналик ҳам, албатта, тинчлик-осойишталик боис. Давлатимиз раҳбарининг "Тинчлик учун курашмоқ керак" рисоласида таъкидланганидек, тинчлик — Оллоҳнинг буюк неъмати, ҳаммамиз учун ҳам ҳаётимиз асоси, барча орзу-умидимиз манбаидир. Лекин "тинчлик бўлсин" деган мазмундаги сўзларни қайта-қайта тилга олар эканмиз, кўпинча унинг маъно- мазмуни нечоғлик теранлиги, у нималар ва қандай машаққатлар эвазига таъминланаётгани, бугунги ҳаётимиз учун нақадар муҳимлиги, агар таъбир жоиз бўлса, ҳаёт-мамот масаласи эканлиги ҳақида ўйлаб кўрмаймиз. Уни чуқур англаш учун дунёда, ён-атрофимизда рўй бераётган воқеаларга теран назар солишимиз, тўғри баҳо бера олишимиз, айниқса, ёшларимизда тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиш, уни сақлаш, воқеа-ҳодисаларга тўғри ва мустақил муносабат билдира олиш кўникмасини шакллантиришимиз зарур. Шундагина улар турли мафкуравий таҳдид таъсирига тушмайди, оқимлар ортидан кўр-кўрона эргашиб кетавермайди.

Таъкидланганидек, тинч ва осойишта ҳаёт, барқарорлик ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун барчамиз шу азиз Ватанни ардоқлашимиз, осойишталикни асраб-авайлаш учун курашишимиз, фидойилик кўрсатишимиз лозим. Зеро, бугунги глобаллашув жараёнлари, тобора шиддат билан одимлаётган ҳозирги давр барчамиздан юрт тараққиёти, жамиятимизнинг эртаси учун қайғуришни, тинч ва осойишта ҳаётимизга рахна солмоқчи бўлаётган турли таҳдидларга қарши биргаликда курашишни, қонун устуворлиги-ю илму-маърифатга таяниб иш кўришни тақозо қилмоқда.

— Ҳаётимиз, турмуш тарзимизга шиддат билан таъсир этаётган глобаллашув жараёни партиямиз олдига ҳам ниҳоятда муҳим ва кенг қамровли вазифаларни қўймоқда, — деди тадбирда сўз олган ЎзМТДП Навоий вилоят кенгаши раис ўринбосари Анора Бобомуродова. — Чунки турли таҳдидлар, жумладан, мафкуравий ҳамда ахборот хуружларининг кучайиши, уларнинг миллий қадриятларимиз ва анъаналаримиз, ёшлар онги ва дунёқарашига кўрсатаётган салбий оқибатларидан кўз юмиб бўлмайди. Ватанимизнинг порлоқ келажагини белгилаб берувчи ўғил-қизларимизни бу каби таҳдидлардан ҳимоя қилиш, турли ёт ғояларга қарши уларда маънавий иммунитетни шакллантиришга кўмаклашиш партиямиз олдида турган асосий вазифалардан биридир.

Тадбирда "Тинчлик ва осойишталик мамлакатимиз тараққиётининг кафолатидир", "Ёшлар онгида Ватан тақдирига дахлдорлик ҳиссини кучайтириш лозим", "Маҳалла — тинчлик ва барқарорликни сақлашнинг бошланғич бўғини", "Маънавиятга таҳдид — ўзлигимизга таҳдид" мавзуларидаги таҳлил ва мушоҳадаларга бой, таъсирчан маърузалар йиғилганларни бефарқ қолдирмади.

Дарҳақиқат, жамият ҳаётидаги барқарорлик, демократик ўзгаришлар йўлидаги собитқадамлик, мустақил юритилаётган ички ва ташқи сиёсат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолатлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, энг асосийси, биз ўз танлаб олган йўлимиздан оғишмай, қатъият билан дадил одимлаётганимиз эришаётган улкан ютуқларимиз гарови бўлаётир. Бунинг самарасида фарзандларимиз тинчлик ҳукмрон озод ва обод юртда, меҳр-оқибат, мурувват, саховат, эзгулик барқарор муҳитда ҳеч кимдан кам бўлмасдан камолга етмоқда.

Тадбирда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш, доимо огоҳ бўлишга оид семинар-тренинглар, давра суҳбатлари ташкил этилиши яхши самара бериши таъкидланди.

* * *

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент шаҳар Миробод туман кенгаши, "Тошкент халқаро аэропорти" давлат унитар корхонаси хамкорлигида ўтказилган тадбирда ҳам мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик халқимизнинг энг катта бойлиги экани, бахтиёр ва фаровон ҳаётнинг, истиқлолимизнинг қадрига етиш, уни асраб-авайлаш ҳар бир инсоннинг фарзандлик бурчи экани хусусида сўз юритилди.

Унда Олий Мажлис қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси аъзолари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, партия фаоллари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 23 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳасини ислоҳ қилиш ва демократлаштириш ҳақида фикр юритиб, қонун устуворлиги ва қонунчиликка риоя қилиш принципларига алоҳида тўхталиб ўтди, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Азамат Зиё. — Бу борада эришилган натижалар эътироф этилди. Хусусан, АҚШдаги Ижтимоий фикрни ўрганиш институти ўтказган "Қонуний тартибларга итоат қилиш индекси" деб номланган тадқиқот натижаларига кўра, мамлакатимиз 141 давлат орасида 2-ўринни эгаллагани ҳар бир юртдошимизда фахр-ифтихор туйғусини уйғотгани шубҳасиз. Маърузада таъкидланганидек, фақат ҳуқуқий давлат шароитида демократик тартибга эришилади, демократик институтлар ва қадриятлар ҳаётга татбиқ этилади, инсон ҳуқуқ-эркинликлари таъминланади. Лекин буларнинг асосий манбаи Ватанимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик эканини асло унутмаслигимиз лозим.

— Дарҳақиқат мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик барқарорлиги туфайли барча соҳада юксак марраларни қўлга киритмоқдамиз, — деди ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши девони раҳбари Даврон Сафаров. — Ҳаётимиз, турмуш даражамиз тобора фаровонлашиб, шаҳар ва қишлоқларимиз кўркам қиёфа касб этмоқда. Дунёнинг энг бахтли мамлакатлари рейтингида 158 мамлакат орасидан 44-ўринни, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ўртасида эса биринчи ўринни эгаллаганимиз ана шу фикримизнинг яққол далилидир. Мазкур жараёнларда ЎзМТДП ташкилотлари ва депутатлик бирлашмалари партия дастурий мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталикни кўз қорачиғидек асраб-авайлашни янада кенг тарғиб этишимиз лозим.

Ўзаро фикр алмашиш, савол-жавоб руҳида кечган тадбирда миллий маданиятимиз ва қадриятларимиз ривожига салбий таъсир кўрсатувчи, тинчлик ва осойишталигимизни бузишга уринаётган ҳар қандай мафкуравий таҳдидларнинг олдини олиш, ёш авлодни турли ёт оқимлар таъсиридан асрашга қаратилган лойиҳалар, конференция, семинар-тренинг, давра суҳбатларини ташкил қилиш лозимлиги таъкидланди.

**Ўралой ТУРДИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири,
Гулноза МУСТАФОЕВА,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши етакчи мутахассиси**

MILLIY TIKLANISH
13 (385) 2016 йил 6 апрель, чоршанба

Бандлик

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов ишлаб чиққан тараққиётнинг "ўзбек модели" асосида ёшлар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашнинг мустаҳкам асослари яратилди. Бу билан уларнинг салоҳияти, истеъдодини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос механизми шакллантирилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, соҳага оид йигирмадан ортиқ қонунлар ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу мақсадлар рўёби учун пойдевор бўлиб хизмат қилмоқда.

Айниқса, "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида", "Таълим тўғрисида"ги қонунлар, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёшларга замонавий стандартлар асосида таълим-тарбия бериш, истеъдодини юзага чиқариш, уларни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш имконини бермоқда. Ҳар йили парламентимиз тасдиқлайдиган иш ўринлари ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлари эса, энг аввало, ёшлар, хусусан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг жамиятга фаол интеграциялашувида муҳим аҳамият касб этяпти.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда давлатимиз ва жамиятимиз ўқув юртлари, биринчи навбатда, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқда. Муайян ишлаб чиқариш корхоналари ва тармоқлар учун мақсадли равишда кадрлар тайёрлаш кенг қўлланилмоқда. Ўқув юртлари, корхоналар ҳамда ўқувчилар ўртасида уч томонлама шартномалар имзоланмоқда ва бу битирувчиларнинг келгусида иш билан таъминланишини кафолатлайди.

Шу мақсадда касб-ҳунар коллежларининг иш берувчи корхоналар билан кооперация алоқаларининг бошқа шаклларидан ҳам фойдаланиляпти. Маълумки, мамлакатимизда ҳар йили минглаб иш ўринлари ташкил қилинади. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар вужудга келади.

Бугун юртимиздаги меҳнатга лаёқатли аҳолининг 60 фоиздан ортиғи кичик бизнес ва тадбиркорлик билан шуғулланмоқда. Энг муҳими, мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги ўрни ва улуши йил сайин ортиб бормоқда. Тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш борасидаги ибратли ишларимиз халқаро майдонда ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, 2015 йил октябрь ойида Жаҳон банкининг "Бизнес юритиш" рейтинги натижаларига кўра, Ўзбекистон бир йил ичида 16 поғонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади.

Яна бир мисол. "Янги бизнесни қўллаб-қувватлаш" мезони бўйича мамлакатимиз айни пайтда жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлланадиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, "кичик бизнес субъектларига кредит бериш" деб номланган кўрсаткич бўйича Ўзбекистон сўнгги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилди. Бошқача айтганда, юртимиз бу борада ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшилади.

Албатта, ҳаётимизнинг турли соҳаларида эришилган барча ютуқ ўзимизники. Айни чоғда, забт этган марраларимизга маҳлиё бўлиб, тараққиётдан тўхтаб қолиш, ҳатто сустлашишга ҳам асло ҳаққимиз йўқ. Шу маънода, айни соҳада амалга оширилаётган ишларга ажратилаётган давлат бюджети маблағлари ҳажми йил сайин ортиб бораётгани муҳимдир.

Бундан ташқари, болалар ва ёшлар манфаатларини ҳимоя қиладиган миллий қонунчилик мунтазам такомиллаштирилмоқда. Бинобарин, Ватанимиз келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида муносиб обрў-эътиборга эга бўлиши, ўз-ўзидан, ёшларимизнинг бугун қандай таълим-тарбия олиши, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб келишига боғлиқ.

Бу борада "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида"ги қонуннинг янги таҳрирда қабул қилиниши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, Президентимизнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида вазирлик ва идоралар, ҳокимликлар ҳамкорлигида кўплаб семинарлар, фестиваллар ўтказилмоқда.

Ўтган даврда ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга қаратилган "Менинг бизнес ғоям", "Ёш тадбиркор — юртга мададкор" лойиҳалари ва ёш тадбиркор консультатив марказлари фаолияти орқали минглаб йигит-қизларда тадбиркорлик кўникмалари шакллантирилди, қанчадан-қанча ёшлар имтиёзли кредит олиш имкониятига эга бўлди.

Жорий йилда қабул қилинган "Соғлом она ва бола йили" Давлат дастурида соғлом болани шакллантиришда таълим тизимининг ролини кучайтириш, мактабгача таълим муассасалари тармоғини янада кенгайтириш, бошланғич таълим сифатини тубдан ошириш ҳисобидан болаларни мактабга тайёрлаш даражасини юксалтириш, илғор педагогика ва ахборот-коммуникация технологияларини амалиётга кенг жорий этиш вазифаси белгилангани аҳамиятлидир.

Давлат дастурида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари, аввало, қизларни иш билан таъминлаш, ўз бизнесини йўлга қўйишга интилаётган ёшларга имтиёзли кредитлар, ёш оилаларга уй-жой сотиб олиш ва қуриш учун ипотека кредитлари, узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари ажратиш ишларини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Хусусан, 2015/2016 ўқув йилида касб-ҳунар коллежларининг битирувчилари, ташкилот ва корхоналар, таълим муассасалари маъмуриятлари ва тегишли ҳудуддаги ҳокимликлар ўртасида ишлаб чиқариш амалиётини ўташ тўғрисида тўрт томонлама шартномалар тузишга доир чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Яқинда Қашқадарё вилоятининг Касби ва Муборак туманларида сайловчилар билан учрашиш асносида, мазкур ҳудудларда бу борада олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиш имконига эга бўлдик.

Эътиборлиси, ана шу ишлар учун мутасаддилар жойларда ёшларни бўлғуси касбини танлашига тўғри йўналтирмоқда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари ишга жойлашиши учун ҳар томонлама кўмаклашилмоқда. Бу жараёнларда имконияти чекланган, кам таъминланган ва кўп болали оилалардан бўлган коллеж битирувчиларини ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шунингдек, бу борада ташкилотлар ва корхоналар иштирокида ёшларни касбга самарали йўналтиришга, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш мақсадида ўтказилаётган "Таълим ва мутахассислик" ҳудудий кўргазмаларининг ўрни салмоқлидир.

Ушбу туманларда Давлат дастурида белгиланган ёшларни иш билан таъминлаш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш юзасидан аниқ дастурий чора-тадбирларни амалга оширишда ҳокимликлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари ўртасида ўзаро ҳамкорликда изчил иш олиб борилаётганига гувоҳ бўлдик. Бу ишларга, айниқса, жамиятда ҳурмат ва обрў қозонган кекса авлод вакиллари кенг жалб этилаётгани қувонарлидир.

Хулоса ўрнида Юртбошимизнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимда таянчимиз ва суянчимиз бўлмиш Ўзбекистон ёшларига қарата айтган қуйидаги сўзларини келтириш ўринлидир:

"Бошимиздан кечираётган, шиддат билан ўзгариб, тобора мураккаблашиб бораётган давр барчамизнинг, биринчи навбатда, сиз, азиз фарзандларимизнинг олдига замонавий билим ва касб-ҳунарларни, интеллектуал бойликларни чуқур эгаллаш, шу билан бирга, мамлакатимизнинг халқаро майдонда рақобатдошлигини янги босқичга кўтариш, иқтисодиётимизни янгилаш, модернизация ва диверсификация қилиш, буларни тараққиётимизнинг локомотивига айлантириш каби вазифаларни қўймоқда. Айни шу улкан долзарб мақсадларга эришиш йўлида сиз, азизларнинг халқимиз, Ватанимизнинг ишончини оқлашга қодир эканингизга ишонаман ва барчангизни доимо қўллаб-қувватлашга тайёрман".

Ҳеч шубҳасиз, бу юксак ишонч ва рағбат жамиятимиз ҳар бир аъзосининг, таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистонимизни янада обод ва фаровон қилиш йўлида ўзининг мардона меҳнати ва матонати билан улкан ҳисса қўшаётган, эришаётган ютуқ ва марралари билан барчани қойил қолдираётган, ўз қадр-қимматини, мустақиллигини юксак баҳолайдиган, бағрикенг халқимизнинг айнан дилидаги гап бўлди.

Акмал САИДОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Миллий ғурур

Иқболи баланд Зулфия

< Давоми.
Бошланиши 1-бетда.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш, айниқса, хотин-қизларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларга хос ва мос спорт турларини оммалаштириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўз натижасини бермоқда.

Ўтган йиллар давомида спорт соҳасида ютуқларга эришган 44 нафар спортчи қиз Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлгани қувонарлидир. Улар орасида ЎзМТДП аъзоси, фарғоналик Зулфия Мамажонова ҳам бор. У 8 ёшидан опаси билан 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида акробатика билан шуғулланса-да, адабиёт ихлосманди эканини бир марта суҳбатлашгандаёқ пайқаш қийин эмас.

— Болалигимни эсласам онамнинг майин овозда шеър ўқиши кўз олдимга келади, — дейди Зулфия Мамажонова. — Ота-онам бошқа касб эгаси бўлса-да, уйимизда шахсий кутубхонамиз бўларди. Дадам бизга шеър ёдлатиш учун ҳамиша вақт топарди. Энг қизиғи, менга ўшанда ҳам кўпроқ Зулфияхонимнинг шеърлари жуда ёққан. Шоира номидаги давлат мукофоти таъсис этилганида ҳали мактабга бормасдим. Кейинчалик телевизор орқали бир миллий хил либос кийган бахтли қизлар ушбу мукофотни қабул қилиб олаётганини кўриб, уларга чин дилдан ҳавас қилганман. Қачондир мен ҳам шундай юксак мукофотга сазовор бўлишни орзу қилганман...

Зулфия республика ва жаҳон миқёсида ўтказилаётган қатор спорт мусобақаларида акробатика йўналиши бўйича муваффақиятларга эришган. У ёшларни миллий ва замонавий руҳда тарбиялашнинг энг таъсирчан усуллари спорт ва маданият эканини яхши англайди. Шу боис ўқув дастури фанларини чуқур ўрганиш билан бирга, спортнинг акробатика тури билан ҳам бир неча йиллардан бери шуғулланиб келади. Тинимсиз жисмоний машғулотлар натижаси аста-секин бўй кўрсата бошлади. Бугунги кунда у Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, спорт устаси.

— Ўзим спортчи бўлсам-да, юртимизда олиб борилаётган сиёсий жараёнларга қизиқишим юқори, — дейди Зулфия Мамажонова. — Сиёсий-ҳуқуқий билимларимни янада мустаҳкамлаш ниятида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб, уларни замонавий билим, касб-ҳунар ва мутахассисликларни эгаллашлари учун рағбатлантиришга ҳисса қўшаётган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясига аъзо бўлдим. "Ёшлар қаноти" фаоли сифатида партиямиз ўтказиб келаётган тадбир, давра суҳбатлари ҳамда йирик лойиҳаларда фаол иштирок этмоқдаман. Олдимга қўйган улкан мақсадларимга ҳамоҳанг бўлган партия ғоя ва мақсад-вазифаларини амалга ошириш борасида камтаргина бўлса-да, ўз ҳиссамни қўшаётганимдан мамнунман.

2011 йил Зулфия учун омадли келди. У Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ўтказган Ўзбекистон кубоги мусобақасида ғолиб чиқди. Шу йили Германиянинг Майнц шаҳрида ўтказилган халқаро мусобақада ҳам шоҳсупанинг энг юқорисини эгаллади. Эришаётган муваффақиятларини муносиб баҳолаган Ўзбекистон Гимнастика федерацияси уни "Йилнинг энг яхши спортчиси" деб эътироф этди.

Зулфиянинг ютуқлари бардавом бўлди. У 2014–2015 йилларда ўтказилган мамлакат чемпионатларида ҳам ғалаба қозонди. Спортчи қиз эришган натижаларида, энг аввало, юртимизда спортга қаратилаётган эътибор ва яратилган бемисл шароитлар, қолаверса, ота-онаси, устозлари кўмагини муҳим аҳамиятга эга, деб билади.

— Давлатимиз раҳбарининг қарорига кўра Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланганим менга қувонч билан бирга катта масъулият юклайди, — дейди Зулфия. — Бу нафақат менинг, балки барча фарғоналик спортсевар қизларнинг ютуғидир. Билдирилган юксак ишончга муносиб бўлишга, бор билим ва иқтидоримизни ишга солиб, уни оқлашга астойдил интиламиз. Зеро, бундай юксак мукофот янги-янги марраларга чорлайди.

Ҳа, ёш авлод камолоти йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, бу борадаги саъй-ҳаракатлар йилдан-йилга ўз самарасини бераётир. Зулфия каби улкан муваффақиятларга эришаётган ёшлар тимсолида юртимизда спорт, хусусан, аёллар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик мужассам. Зеро, соғлом онадан соғлом бола туғилади. Эртамиз эгалари соғлом экан, жамият соғлом, давлатимиз пойдевори мустаҳкамдир.

Тўмарис АЪЗАМ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Замонавий бошқарув усуллари

Корпоратив бошқарув кодекси

акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим омили

Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил январь ойида бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий ва инвестиция жараёнларига замонавий халқаро корпоратив менежмент стандартларини жорий этишга жиддий эътибор берилишини таъкидлади.

Энг аввало, акциядорлик жамиятларининг фаолият самарадорлигини танқидий баҳолаш, уларни хорижий давлатлардаги шундай корхоналар билан таққослаш, иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида давлат иштирокини тубдан қисқартириш зарурлиги вазифасини белгилаб берди.

Ушбу ўта муҳим вазифаларни амалга оширишда 2015 йил 24 апрелдаги "Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони ва мазкур ҳужжат билан тасдиқланган корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури алоҳида аҳамиятга эга. Фармонга кўра, халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилиш ва шу асосда замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш, ишлаб чиқариш, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, чет эл капитали иштирокида акциядорлик жамиятларини ташкил этиш, акциядорлик жамиятларига хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратиш чоралари кўрилмоқда.

2015 йилда корпоратив бошқарув тизимидаги принцип ва ёндашувларни тубдан ўзгартириш, унинг ҳақиқий бозор хусусиятларига эга бўлишини таъминлаш борасида салмоқли ишлар қилинди. Барча акциядорлик жамиятларининг фаолияти тўлиқ инвентаризациядан ўтказилди. Натижада 462 та жамиятни ёки уларнинг 43 фоизини тугатиш ёки бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклга ўзгартириш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Корхоналарни корпоратив бошқариш бўйича илғор халқаро тажрибани ўрганиш асосида акциядорлик жамиятларининг янги намунавий тузилмаси ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Шу тариқа, замонавий корпоратив бошқарув тизими талабларини инобатга олган ҳолда, лавозим ва касбларнинг янги классификатори ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Унга бозор иқтисодиёти талабларига мос келадиган 566 янги тоифа киритилди. Мазкур классификатор асосида раҳбарлар таркиби аттестациядан ўтказилди. Раҳбар кадрларнинг корпоратив бошқарувнинг замонавий усул ва принциплари, менежмент ва маркетинг бўйича билимларини баҳолаш ушбу синовнинг асосий мақсади қилиб қўйилди. Аттестация натижаларига кўра, бўшаб қолган раҳбарлик лавозимларига пухта билимли, замонавий менежмент ва маркетинг усулларини амалда қўллай оладиган ёш мутахассислар тайинланди.

Бундан ташқари, акциядорлик жамиятларини стратегик бошқариш, бошқарув ходимларининг самарали фаолиятини назорат қилишни таъминлашда акциядорларнинг ролини ошириш, етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини ошириш, раҳбарлик лавозимларига чет эллик юқори малакали менежерларни жалб қилиш каби вазифалар ижроси йўлида тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Германияда жойлашган Европа менежмент ва технологиялар мактабининг фаол иштирокида акциядорлик жамиятларининг раҳбар ходим ва мутахассисларини тизимли асосда тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил қилиш, уларнинг замонавий корпоратив бошқарув усулларини эгаллашини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда Корпоратив бошқарув илмий-таълим маркази ташкил этилди. 2015 йилда Германия ва иқтисодий жиҳатдан ривожланган бошқа давлатлардаги етакчи таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчиларини кенг жалб қилган ҳолда, мамлакатимиз акциядорлик жамиятлари, банклар ва йирик корхоналарнинг 160 нафардан ортиқ раҳбар ходими корпоратив бошқарув соҳасида малака оширди. Уларнинг ярми Германия корхоналарида тажриба орттирди.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистон шароитида акциядорлик жамиятлари акцияларига нафақат юртимиз сармоядорлари, балки чет эллик инвесторлар ҳам эгалик қилаётган мулкчилик шакли энг мақбул ҳисобланиб, ҳар жиҳатдан ўзини оқламоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, кўпгина ишлаб чиқариш корхоналарида бошқарувни илгаригидек, яъни ўз фаолиятида ҳали-бери эски тизим қолипидан чиқолмаётган, ишни замон талаб қиладиган усулда ташкил қилишдан узоқ бўлган бошқарувчи кадрлар ўрнига мамлакатимизда иш бошлаган хорижлик акциядорлар — муассислар томонидан қўшма корхоналарга, аввало, илғор, юқори технологиялар олиб келиниши билан бирга, ишлаб чиқаришни замонавий асосда ташкил этиш, бошқариш жараёни ҳам жорий этилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 31 мартдаги қарори билан тузилган Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича комиссия "Корпоратив бошқарув кодекси"ни эълон қилди. Мазкур кодекс акциядорлик жамиятларига мўлжалланган бўлиб, улар ҳалол ва очиқ бизнес юритишга интилишини намойиш этган ҳолда ихтиёрий равишда амал қиладиган тавсияларни ўз ичига олган, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва корпоратив бошқарувга доир халқаро тамойилларга асосланган.

Корпоратив бошқарув кодекси — бу акциядорлик жамияти фаолияти самарали ташкил этилишини таъминлаш, ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни ташқи бозорларга экспорт қилиш мақсадида акциядорлик жамиятининг ижроия органи, унинг кузатув кенгаши, акциядорлари, меҳнат жамоаси вакиллари ва бошқа манфаатдор томонлар, шу жумладан, кредиторлар манфаатларининг мутаносиблигига эришишга қаратилган шу шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизимидир.

Бир қатор муҳим йўналишларни қамраб олган ҳамда акциядорлик жамиятлари бошқарув органлари фаолиятини самарали ташкил этишга қаратилган ушбу кодекс ҳисобдорлик, шаффофлик, ҳаққонийлик, юксак маънавий-аҳлоқий тамойилларга риоя қилиш, акциядорлик жамиятларини барқарор ривожлантириш каби намунали бошқарувнинг асосий тамойилларига асосланиб ишлаб чиқилган.

Ҳар қандай ислоҳот қонунларга асосланиб амалга оширилар экан, бунда биз депутатларнинг асосий вазифамиз — қонунларнинг ҳозирги замон талаби, ислоҳотлар эҳтиёжига мослигини таъминлашдан, қонунларни қўллаш амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг ҳозирги даврдаги реал ҳолатига кўра яна бир бор жиддий кўриб чиқишдан иборат бўлмоғи лозим. Хусусан, акциядорлик компанияларининг ўз мақомига мос фаолият юритиши, ўз ҳуқуқларидан унумли фойдаланиши, бир сўз билан айтганда, ушбу компанияларнинг талаб даражасида ишлаши учун барча механизмни ҳаракатга келтирувчи ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш бугун долзарб аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан мазкур кодекс бу борадаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

Сиддиқ НОМОЗОВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси

Бизнинг шарҳ

Спорт — ҳалолликни улуғлайди

ёхуд ширин ғалабанинг аччиқ қисмати

Жаҳон допингга қарши кураш агентлиги (WADA) шу йилнинг 1 январидан мельдоний (милдронат)ни тақиқланган моддалар рўйхатига киритди. Дунёнинг собиқ биринчи ракетка устаси Мария Шарапова мазкур қарорнинг илк "нишони"га айланди. Допинг таҳлилида спортчидан ана шу модда топилди. Теннис юлдузи жавобгарликдан бўйин товламади ва тақиқланган модда қабул қилганини тан олди.

"Аввало шуни айтиш жоиз, мазкур дори ўн йил мобайнида WADAнинг тақиқланган моддалар рўйхатига киритилмаган эди.

Уни шу йиллар давомида қонуний йўл билан қабул қилиб келардим. Аммо 1 январдан қоидага ўзгартиш киритилди ҳамда мельдоний тақиқланган дори воситалари қаторидан жой олди. Рўйхатдаги ўзгаришлардан эса 22 декабрда хабардор бўлганман. Мен катта хатога йўл қўйиб, спорт ва мухлисларимга панд бердим", — деди айбловга нисбатан ўз муносабатини билдирган теннис юлдузи. Энди россиялик теннисчи бир неча йилга спорт мусобақаларида иштирок этишдан маҳрум этилиши мумкин.

Айни пайтга келиб допинг назоратида мельдонийни қабул қилган 12 спортчининг исми шарифи ошкор қилинган. Дарҳақиқат, допинг бугунги кунда замонавий спортнинг энг оғриқли муаммоларидан бирига айланиб улгурди. Допинг аслида нима? Уни қабул қилишдан мақсад-муддао не? Қандай дори воситалари тақиқланган моддалар рўйхатига киритилган?

Бу саволларга шарҳимиз мобайнида жавоб излаб кўрамиз.

Кучлирок, тезкорроқ, илдамроқ

Допинг — спортчиларнинг мусобақа пайтидаги жисмоний ва руҳий ҳолатини вақтинча кучайтирадиган табиий ва сунъий дорилардир. Бундай дори воситаларини қабул қилган спортчи мусобақаларда ўзидан анча кучли рақиблар устидан ғалаба қозониб, мисли кўрилмаган натижаларни қайд этиши мумкин. Сабаби, улар қисқа муддат ичида одамнинг асаб ҳамда эндокрин тизими фаоллигини ошириб, мусобақа ҳамда машғулотлар пайтида спортчиларни кучли ва чидамли қилади. Шу боис мусобақа пайтида спортчиларнинг бундай дори воситаларини қабул қилиши тақиқланган. Буни Жаҳон допингга қарши кураш агентлиги қатъий назорат қилиб боради. Қолаверса, ҳар бир мамлакатда ички мусобақаларни тартибга солувчи допингга қарши кураш миллий агентлиги ҳам фаолият юритади. Одатда, допинг қабул қилган спортчилар мусобақаларда қўлга киритган совринларидан маҳрум этилиб, икки йилга спортдан четлаштирилади. Тақиқланган дори воситаларини қайта қабул қилиш уларнинг спортдан умрбод четлатилишига сабаб бўлиши мумкин.

Допинг инглизчада "гиёҳванд модда бериш" маъносини англатади. Мазкур атаманинг пайдо бўлишига ўтган асрнинг 20-йилларига қадар истеъмол қилиш тақиқланмаган гиёҳванд моддаларга ҳам илк допинг сифатида қаралгани сабаб бўлган. Тарихий маълумотларнинг гувоҳлик беришича, қадимги Грецияда ҳам допинг муаммоси бўлган. Қадимги юнон олимпиадасида допингга нисбатан ҳеч қандай чеклов ўрнатилмаган. Спортчилар юқори натижаларни қўлга киритиш мақсадида мусобақадан олдин галлюциноген, кунжут, қўзиқорин, саримсоқ пиёз истеъмол қилган. Арава қўшилган отларда мусобақалашишни хуш кўрган қадимги римликлар эса қувватни оширувчи воситаларни нафақат ўзлари қабул қилган, балки жониворларга ҳам едирган. АҚШда эса допингдан от пойгаси мусобақаларида фойдаланила бошланди. Бунинг учун от танасига дори юборилган. От спорти жамияти бу йилқичиликка ўз таъсирини ўтказишини ҳисобга олиб, мазкур масалада чеклов ўрнатди. Франк Старр ушбу қоидани бузгани учун жазога тортилган илк спортчилардан бири бўлди. Мусобақа вақтида ундан отларнинг эпчиллини оширувчи модда — эликсир топилди. Бу модда мусобақа вақтида отнинг тезлигини ошириш билан бирга, уларнинг соғлигига ҳам зарар етказган. Шу боис Старр бутун умрга мусобақаларда иштирок этишдан маҳрум этилган эди.

Соғлиқ эвазига ғалаба

Допинг тарихида спортчиларнинг тақиқланган воситаларни қабул қилиши билан боғлиқ илк расмий ҳолат 1865 йилда Амстердам шаҳрида ўтказилган сузиш мусобақасида қайд этилган. 1886 йилда эса допинг билан боғлиқ илк ўлим ҳолати кузатилди: тақиқланган воситани қабул қилган велопойгачи ҳаётдан бевақт кўз юмди. 1896 йилда спортчилар Олимпия ўйинларида допинг-стимуляторлардан фойдалана бошладилар. 1904 йилги Сент-Луис шаҳрида ўтказилган мусобақада АҚШлик марафончи Томас Хикс ўз рақибларидан бир неча километрга ўзиб, белгиланган масофанинг ярмига етиб келгач, тўсатдан ҳушини йўқотади. Ёрдам бериш учун дарҳол унинг олдига етиб келган мураббийлари спортчининг оғзига қандайдир суюқлик қуйишади. Спортчи ўзига келиб мусобақани давом эттиради. Бироқ бир неча километрдан сўнг спортчи тағин ҳушини йўқотиб, йиқилиб тушади. Бироқ "сув" ичганидан сўнг яна ўзига келган Томас маррага биринчи бўлиб етиб келади. Бу воқеа шундоқ оммани кўз ўнгида содир бўлди. Спортчини икки бор оёққа турғизган нарса сув эмас, аслида допинг эди. Ўшанда ҳеч ким Хикснинг адолатсиз ғалаба қозонганига эътироз билдиришга журъат қила олмади. Сабаби ҳали мусобақаларда стимуляторлардан фойдаланишни маън этувчи қоидалар ишлаб чиқилмаган эди. Допингга қарши илк ҳаракат 1928 йилда бошланган. Амстердам шаҳрида ўтказилган Халқаро енгил атлетика федерацияси конгрессида ташкилот уставига спортдаги натижаларга таъсир ўтказувчи воситаларни қабул қилишни ман этишга қаратилган илк допингга қарши қоида ишлаб чиқилди. Бироқ бу ўзини оқламади: ғирром спортчиларни қўлга туширишга ёрдам берадиган асбоб-ускуналар ҳали кашф этилмаган эди. Шу боис допинг можароси яна давом этаверди.

Илк олимпия ўйинлари юлдузи, афсонавий фин чопоғони Пааво Нурми спортни тарк этганидан анча йил ўтиб, ўлими олдидан мунтазам допинг қабул қилиб келганини тан олди. Допинг ўзининг салбий оқибатларини, айниқса велоспортда намоён этди. 1955 йилда французлик велопойгачи Маллеяк мусобақа вақтида ҳушидан кетди. Бир йилдан сўнг белгиланган меъёрдан ортиқ дори қабул қилган спортчи ақлдан озиб, руҳий касалликлар шифохонасига ётқизилади. 1960 йилда Рим шаҳрида ўтказилган Олимпия ўйинларида даниялик велопойгачи Кнуд Енсен амфетамин ва никотин кислотасини меъёрдан ортиқ қабул қилгани учун кутилмаганда вафот этади. Допинг қабул қилган яна бир спортчи Томми Стимпсон 1967 йилда машҳур "Тур де Франс" кўп кунлик велопойгасида жонли эфир пайтида — камералар қаршисида ҳаётдан кўз юмади. Стимпсоннинг фожеали ўлимидан сўнг бутун дунёда допингга нисбатан муносабат тубдан ўзгарди. Жаҳон жамоатчилигидан мазкур муаммога жиддий ёндашув талаб этилди. 1967 йилда Халқаро олимпия қўмитаси допингга қарши тиббий комиссияни таъсис этди. Кейинги йилдан бошлаб допинг синовлари ўтказила бошланди. Спортчилар истеъмол қилиши тақиқланган дори воситалари рўйхати тузилди. Энг асосийси, допингни аниқлаш усуллари қўлланила бошланди. 1968 йилги Мехико олимпиадаси допинг назорати ўтказишни мажбурий қилиб қўйган илк йирик мусобақа бўлди. 1999 йилда Швейцариянинг Лозанна шаҳрида Халқаро олимпия қўмитаси ташаббуси билан Жаҳон допингга қарши кураш агентлиги (WADA) ташкил этилди. Жаҳон допингга қарши кураш кодекси WADAнинг асосий ҳужжати бўлиб, унинг янги таҳрири ўтган йили кучга кирди. Ташкилот штаб-квартираси Канаданинг Монреаль шаҳрида жойлашган. Агентликнинг Токио, Кейптаун, Монтевидео шаҳарларида минтақавий бўлинмалари фаолият юритади.

Спорт орқали соғлом ҳаётга

Допингга қарши ҳаракат нафақат сохта ғалабаларнинг олдини олиш, балки спортчиларнинг саломатлигини асраш мақсадида ҳам олиб борилади. Бугун спортчиларнинг имкониятини оширадиган кўплаб допинг воситалари мавжуд. Улардан бири — стимуляторлар. Стимулятор воситалари (амфетамин, эфедрин, стрихнин ва кофеин) марказий ҳамда переферик асаб тизимига таъсир кўрсатади. Бундай моддаларнинг аксарияти йўтални даволовчи дори воситаларининг таркибий қисмидир. Шу боис спортчилар ҳар қандай дори воситаларини қабул қилаётганида улар бундай моддаларни ўзида сақламаслигига жиддий эътибор қаратиши лозим. Оғир жисмоний машғулотдан сўнг стимуляторларни ҳатто кам миқдорда қабул қилиш қон босими ошиши, юрак фаолиятининг жадаллашиши, унга қарамликни ҳамда руҳий касалликларни келтириб чиқариши мумкин. Энг кўп қўлланиладиган стимулятор — кофеин. Ҳозирги кунда унга нисбатан тақиқ ўрнатилмаган. Сабаби у қаҳва ва чой таркибида ҳам мавжуд. Стимуляторларни қабул қилиш фақат мусобақа вақтида ман этилади. Бошқа ҳолларда спортчиларнинг уни истеъмол қилишига рухсат берилади. Оғриқ қолдирувчи воситалар оғриққа нисбатан сезувчанликни пасайтиради. Спортчилар бундай воситалардан лат еганда ёки жароҳатланганда, даволаниш ва тикланиш муддатини қисқартириш мақсадида фойдаланади. Уларни фақат мусобақа вақтида қабул қилиш тақиқланган.

Анаболик стероидлар эркакларнинг жинсий гормони — тестостероннинг синтетик ҳосиласи бўлиб, спортчилар энг кўп қабул қиладиган допинг воситаларидандир. Бундай воситалар организмда оқсиллар ўзлаштирилишини кучайтиради, мушаклар ҳажмини ошириб, жисмоний кўрсаткичларни яхшилайди. Бироқ анаболиклардан ўзбилармонларча фойдаланиш руҳий касалликлар, жигар етишмовчилиги, буйрак ва ўпка шишининг ривожланиши, паришонхотирлик, тромбоз, жинсий органлар фаолиятининг бузилиши каби касалликлар юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Диуретиклар (фуросемид, хлорталидон, амилорид, ацетазоламид) допингнинг яна бир тури бўлиб, спортда ундан уч мақсадда фойдаланилади. Биринчидан, улар тана вазнини камайтиришга ёрдам беради. Иккинчидан, гимнастика, фигурали учиш ёки бодифитнесда қоматни хушбичим қилишда қўл келади. Уларнинг яна бир муҳим хусусияти, организмдан бошқа допинг воситаларини чиқариб ташлаш ёки уларни "хаспўшлаш"га ёрдам беради. Бироқ улар юрак ритмининг бузилиши, қон босимининг пасайиши, ҳатто ўлимга ҳам олиб келиши мумкин. Пептид гормонлари (инсулин ва эритропоэтин) ҳам допинг воситаларидан бири бўлиб, уларга инсулин, ўсиш гормони ва эритропоэтин мисол бўла олади. Бундай гормонларни қабул қилиш ўсмирларнинг бўйи ҳаддан зиёд баланд бўлишига (гигантизм), катта ёшли инсонларда айрим аъзолар, хусусан қўл ва оёқларнинг катталашиб кетишига, шунингдек, қон томирларида тромбоз (томирларда қоннинг ивиб қолиш жараёни) ва инфаркт келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкин.

Ғолиб — ҳалол ўйин

Жаҳон допингга қарши кураш агентлиги (WADA) мустақил ташкилот бўлиб, спортда допингга қарши курашади, спортчиларнинг ҳалол ўйинга нечоғлик амал қилаётганини назорат қилиб боради. Ташкилот тақиқланган моддалар рўйхатини ҳам тузади, фармакологик дори воситалари устида тадқиқот ва допинг синовини олиб боради. Бугун уч юзга яқин дори воситалари WADAнинг тақиқланган моддалар рўйхатига киритилган. Айрим ҳолатларда спортчиларга тақиқланган воситаларни қабул қилишга рухсат берилади. Бунинг учун спортчилар бундай дорилар уларнинг саломатлигини тиклаши учун зарур эканини маълум қилиши лозим. Мисол учун, чанғичилар ва биатлончилар астма касаллигига кўп чалинади. Улар Халқаро олимпия қўмитаси тиббиёт комиссияси ёки ўз давлатлари федерациясининг рухсати билан WADA рўйхатига киритилган тақиқланган айрим моддаларни қабул қилишлари мумкин.

Допинг синовини амалга ошириш учун спортчидан қон ва пешоб намунаси олинади ҳамда WADAнинг махсус жиҳозланган лабораториясида хроматография, спектрофотометрия, масс-спектроскопия ва бошқа усулларда текширилади. Бугунги кунда допинг воситалари тобора такомиллашиб бормоқда. Аксинча допингни аниқлаш технологияси улардан ортда қоляпти. Шу боис спортчиларнинг допинг назорати намуналари 8 йил сақланади. Бу эса кейинчалик замонавий технологиялар воситасида уларни қайта текшириш имконини беради. Агар қайта текширувдан сўнг спортчиларнинг тақиқланган модда қабул қилгани аниқланса, мусобақа ўтказилганига бир неча йил ўтганига қарамай, улар қўлга киритган медаллар қайтариб олинади. Допинг қабул қилгани учун спортчининг олимпия медалидан маҳрум қилиш бўйича қарорни Халқаро олимпия қўмитаси қабул қилади. Шундан сўнг спортчи медални қайтариб бериши шарт. Медаль эса бошқа спортчига топширилади. Бироқ барча спортчи ҳам медални ўз ихтиёрлари билан топширишни истамайди. Бундай ҳолатда бошқа спортчига медалнинг дубликати топширилади. Россиялик енгил атлетикачи Светлана Кривелова билан ҳам шундай ҳолат кузатилган эди. 2004 йилги Афина олимпиадасидан саккиз йил ўтиб, унинг допинг таҳлилидан оксандролон аниқланган. Бироқ спортчи медални қайтариб бермаслигини маълум қилди.

"Барча спортчини ҳам допинг назоратидан ўтказишнинг иложи йўқ. Сабаби одатий допинг таҳлилини ўтказиш катта маблағни талаб этади, — дейди Россия допингга қарши кураш хизмати раҳбари Николай Дурманов. — Допингга қарши лабораторияни жиҳозлаш, унга ўта аниқлик билан ишлайдиган асбоб-ускуналарни харид қилиш, юқори малакали мутахассисларни ёллаш миллионлаб долларга тушади. Допингнинг асосий мижозлари ташқи кўринишини кимёвий йўл билан ўзгартиришни истовчи бодибилдинг билан шуғулланувчилардир. Бундай воситаларга ўсмирлар, озиш истагидаги аёллар, кексайишни истамайдиган ўрта ёшли инсонлар кўп мурожаат қилади. Допинг воситасига кўпроқ жисмоний кучни талаб қиладиган спорт турлари — велопойга, енгил атлетика, сузиш, биатлонда эҳтиёж юқори. Унга у қадар эҳтиёж сезмайдиган спорт турлари ҳам бор. Мисол учун, хоккей ва бадиий гимнастика. Мазкур йўналиш спортчилари бундай воситаларни уларнинг тезлиги ва аниқлигига таъсир кўрсатмаслиги учун қабул қилмайдилар".

Халқимизда "касални яширсанг, иситмаси ошкор қилади", деган гап бор. Зеро, спортдаги ёлғон ҳам бир кунмас бир кун фош бўлиши тайин. Буни афсонавий америкалик велопойгачи Ленс Армстронг фаолияти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. 2012 йилда спортчи допинг қабул қилгани учун энг нуфузли велопойга мусобақаси — "Тур де Франс"да қўлга киритган барча соврини (1999-2005 йиллар оралиғида мазкур мусобақанинг етти карра чемпиони)дан маҳрум этилиб, бутун умрга катта спортдан четлаштирилган эди. Қолаверса, ўшанда спортчининг миқоллаб йиққан обрўйи, шон-шуҳрати ҳам кўкка совурилди. Бундан хулоса шуки, спортда сохталик ва кўзбўямачилик билан муваффақият қозониш қийин. Шундай экан, ўз Ватани шаънини ҳимоя қилаётган ҳар бир спортчи зиммасидаги масъулиятни ҳис этиб, фақат ўз куч ва имкониятига таянса, уларга муваффақият ва ғалаба бир умр йўлдош бўлиши шубҳасиз.

Рангин дунё

Вулқон остидаги тамаддун

Италиянинг Неаполь шаҳрига ташриф буюрган сайёҳ унинг яқинида жойлашган тоғ манзарасига дуч келади. Баландлиги бор-йўғи 1281 метр бўлган бу тоғ бир қарашда ҳеч қандай таассурот уйғотмаслиги мумкин. Аслида, бу ерда Европа қитъаси бўйича ягона ҳаракатдаги вулқон — Везувий жойлашган. Мазкур вулқон хавфини англаш учун Неаполь шаҳридан шарқ томонда жойлашган шу ном билан аталувчи кўрфаз яқинига бориш кифоя. Гап шундаки, бу ерда милодий 79 йил августида вулқоннинг ҳаракатга келиши оқибатида вайронага айланган Помпей, Геркуланум ва Стабии шаҳарларининг харобалари жойлашган.



Везувий яқинида жойлашган қадимий шаҳарларнинг энг йириги Помпей бўлиб, унга эрамиздан аввалги VI асрда оск қабиласи асос солган. Помпей оск тилида "беш" маъносини англатади. Бу шаҳар беш аҳоли манзилгоҳи бирлашувидан ҳосил бўлганини билдиради. Кейинчалик шаҳар, Рим давлати таркибига қўшиб олинади. Ўша вақтда бу ерда қарийб 20 минг аҳоли истиқомат қилган. Шаҳарнинг Рим билан жанубий Италияни бир-бирига боғлаган муҳим савдо чорраҳасида жойлашгани унинг гуллаб-яшнашига сабаб бўлган. Қадимги Рим тарихчиси Публий Корнелий Тацитнинг гувоҳлик беришича, 79 йилги вулқон отилишидан олдин, яъни 62 йилнинг февраль ойида Помпейда кучли зилзила ҳам юз берган. Табиий офат шаҳарнинг деярли барча биносига жиддий зарар етказган.

Римликлар даврига оид бошқа шаҳарлар сингари Помпейни ҳам икки асосий кўча кесиб ўтган бўлиб, улардан бири шимолдан жанубга, яна бири шарқдан ғарбга йўналган. Бошқа шаҳарлар унга ёндош ҳолатда жойлашган. Улар у қадар кенг бўлмай, кенглиги ўн метрдан ошмаган. Харобалар ичида шаҳар базиликаси нисбатан яхши сақланиб қолган. У эрамиздан аввалги 120-80 йилларда қурилган: узунлиги — 55, эни 25 — метр. Ундан даставвал ёпиқ бозор, эрамизнинг бошларида эса суд биноси сифатида фойдаланилган. Ўша вақтда базилика ичида икки қаватли "трибунал" қурилган бўлиб, бугунги кунда унинг бир қисми сақланиб қолган.

Помпейда ёпиқ озиқ-овқат бозори — мацеллумнинг бир қисми сақланиб қолган. Узунлиги — 37, эни — 27 метрли майдонда бунёд этилган. Унинг марказида 12 устунли айвон, остида эса тирик балиқлар сақланадиган ҳовуз бўлган. Унинг атрофида кичик дўконлар фаолият юритган. Мацеллум ичкарисида уч катта зал бўлиб, марказий қисмида император оиласига мансуб зодагонлар ҳайкаллари ўрнатилган.

Помпей шаҳрининг энг йирик ибодатхонаси — Юпитер деб номланган бўлиб, эрамиздан аввалги 150 йилда қурилган. Ибодатхона 3 метрли асос устида, узунлиги — 37, эни 17 — метр. Ибодатхона атрофини салобатли устунлар безаб турган. Унинг ичида Юпитер маъбудининг ҳайкали ўрнатилган. Ибодатхона омборхонасида қимматбаҳо буюмлар сақланган. Бироқ ибодатхона 62 йилда юз берган зилзиладан жиддий зарар кўрган.

Аполлон ибодатхонаси Помпей шаҳрида энг қадимийси бўлиб, археологик тадқиқотлар уни эрамиздан аввалги 575-550 йиллар оралиғида қурилганидан далолат беради. Тахминан эрамиздан аввалги II асрда у қайта қурилган. Шунга қарамай, ибодатхона қадимги юнон меъморчилигининг энг яхши сифатларини сақлаб қолган: атрофини 28 коринф устунлар ўраб турган. Бизгача уларнинг иккитаси тўлиқ сақланган. Унинг пол қисми худди Юпитер ибодатхонаси сингари ишланган. Унинг ичида Рим маъбудлари — Аполлоннинг ҳайкали ҳамда Диананинг бюсти ўрнатилган. Ҳозирда уларнинг асл нусхаси Неаполь музейида сақланади.

Шаҳар Катта театри эрамиздан аввалги III-II асрларда қурилган. Кейинчалик меъмор Марк Арторий бошчилигида унинг мухлислар сиғими кенгайтирилади. Натижада, театр ўз бағрига 5 минг мухлисни сиғдира олиш имкониятига эга бўлади. Шаҳар амфитеатри эса эрамиздан аввалги 80 йилда қурилган бўлиб, 20 минг томошабинга жой бор. Амфитеатр 135x104 метр ўлчамга эга бўлган. У бугунги кунга қадар сақланиб қолган дунёдаги энг қадимий амфитеатрлардан биридир. Гладиаторлар аренага кўча томондан ўтган йўлак орқали кирган, иккинчи йўлак орқали жароҳатланган ёки ҳалок бўлган жангчилар олиб чиқилган. Помпей шаҳар харобалари ҳудудида олиб борилган қазилма ишлари давомида 34 новвойхона қолдиқлари ҳам топилди. Бу нафақат шаҳар аҳолиси, балки бошқа қўшни аҳоли манзилгоҳлари нон билан таъминланганидан дарак беради.

Шаҳар қолдиқларига илк бора 1592 йилда дуч келинади. Ўшанда меъмор Доменико Фонтана Сарно дарёси бўйлаб канал қазиётганида, тасодифан шаҳар деворларини топиб олади. Бироқ ҳеч ким бу деворларга ортиқча эътибор қаратмайди. 1689 йилда қудуқ қазиш жараёнида "Помпей" ёзуви туширилган қадимий бино қолдиқлари аниқланади. Ўшанда бу харобалар қадимий шаҳар — Помпейга тегишли эканини ҳеч ким билмаган, уни Рим ҳукмдори Помпейга тегишли қароргоҳ қолдиқлари деб ўйлашган. Бу ерда илк қазилма ишлари эса 1748 йилда Р.Алькубьерре бошчилигида олиб борилди. У топган харобалар қадимий Стабий шаҳрига тегишли эканини маълум қилади. Р.Алькубьерре ўзи қимматли ҳисоблаган буюмларни Портичи шаҳридаги қироллик музейига топширган. Қолган экспонатлар ўз-ўзидан йўқ бўлиб кетаверган. Бир неча олимлар саъй-ҳаракати билан бу ҳолатга чек қўйилади: кейинги қазилма ишлари 1760-1804 йиллар оралиғида Ф.Вега бошчилигида олиб борилди. Ёдгорликлар қайта тикланади, топилмалар эса музейга юборилмай, сайёҳлар томоша қилиши учун шу ерда сақланади. 1863 йилдан бошлаб археологик қазилма ишларига Жузеппе Фиорелли раҳбарлик қилди. У вулқон вайроналари остида қолиб ҳалок бўлган одамлар ўрнини аниқлаб, гипсдан уларнинг танасини ясайди.

Помпей шаҳар харобалари очиқ осмон остидаги музей сифатида ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Саҳифани "Milliy tiklanish" мухбири Шаҳзод ҒАФФОРОВ тайёрлади.

MILLIY TIKLANISH
13 (385) 2016 йил 6 апрель, чоршанба

Маънавият масканларида

Шонли ва бой тарихимиз кўзгуси

Ватанимизнинг бой тарихи, аждодларимизнинг улкан маънавий мероси, бетакрор қадрият ва анъаналари неча асрдан буён бутун дунё аҳлини ҳайратга солиб келади. Буюк боболаримизнинг дунё тамаддунига қўшган беқиёс ҳиссаси тарих зарварақларидан ўрин олган. Соҳибқирон Амир Темур халқимиз даҳосининг ана шундай ёрқин тимсолидир.

Амир Темур таваллудининг 680 йиллиги Ватанимиз мустақиллигининг 25 йиллиги кенг нишонланадиган йилга тўғри келганида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Зеро, айнан мустақиллик шарофати билан Соҳибқирон бобомиз шахси, унинг жаҳон тарихидаги ўрни, халқимиз, Ватанимиз олдидаги хизматлари қадр топди, бор ҳақиқат рўёбга чиқди.

... Тошкент метрополитенининг буюк бобомиз номи билан аталувчи бекатидан чиқиб борар эканман, уч набирасини етаклаб олган онахонга кўзим тушди.

"Буви қаерга кетяпмиз", деб сўради невара. "Амир Темур бобомизнинг хиёбонига", — жавоб қилди онахон. Улар бирданига "от минган бобонинг боғларигами?" деб ҳайқиришди. Буви кулибгина "ҳа болаларим, бобомиз юртимизни ёвлардан асраган, баланд-баланд бинолар қурдирган, боғлар барпо эттирган" деб набираларга тушунтира кетди. Болалар ер ости йўлидан чиқишлари билан хиёбонда савлат тўкиб турган Соҳибқирон бобомизнинг ҳайкали томон чопқилаб кетишди...

Озодалик ва покликка интилиш, атроф-муҳитнинг файзли, обод ва саришталигини таъминлаш халқимизга хос фазилатлардан. Тоза, озода ва баҳаво, пойтахтимиз кўркига кўрк қўшиб турган хиёбон ҳар доимгидек гавжум. Виқор билан отда ўтирган буюк саркарда, чап қўлида от жиловини маҳкам тутган. Ўнг қўлини баланд кўтариб, олам аҳлини аҳилликкa, адолатга чорламоқда. Нигоҳидаги қатъиятида унинг одиллиги, донишмандлиги, мардлиги ва матонати намоён. Ҳайкал тагкурсисида Соҳибқирон сиёсатининг асоси бўлган "Куч — адолатда" шиори зарҳал ҳарфлар билан тўрт тилда ёзилган. Буюк бобокалонимизнинг бу бебаҳо ҳикмати хиёбонга келган ҳар бир инсон қалбида акс-садо бериб, эзгуликка ундамоқда. Атрофни кузатар эканман, ҳаёлга берилиб ўриндиқда ўтирган отахон диққатимни тортди.

— Набирамнинг дарсдан чиқишини кутяпман, — деб Тошкент давлат юридик университети томон ишора қилди андижонлик Баҳодир ота Йўлдошев. — Ўзим ҳам шу олий ўқув юртида ўқиганман, ҳар сафар келганимда, албатта, набирам баҳона хиёбонга келаман. Бу ернинг файзидан кўнглим ғурур-ифтихорга тўлади. Мамлакатимиз мустақиликка эришгандан кейин Президентимиз ташаббуси билан хиёбоннинг асл эгаси қайтиб келди.

Бундан йигирма уч йил аввал биз ҳозир кўриб турганимиз, миллатимиз ифтихори, мустақиллик ва ғурур тимсоли — Амир Темурнинг улуғвор ҳайкали қад ростлади.

Давлатимиз раҳбари Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанали маросимда "Мамлакатимизнинг марказида, қадимий ва гўзал пойтахтимиз — жонажон Тошкентимиз ўртасида қад кўтарган улуғ бобомиз сиймоси халқимизга фахр ва ғурур бахш этмоғи муқаррар! Бу сиймо мард, танти, ҳалол ва ғайратли халқимизни бирлаштиришда, жипслаштиришда, иймон-оқибатли бўлишда, қудратли келажагимизни қуришда бизга янги-янги куч-қувват ва шижоат бағишлайди", дея такидлаганди ифтихор билан.

Ҳақиқатдан ҳам хиёбонга келган инсон кўнгли тўлқинланиб фахрга тўлади. Бу ерга ташриф буюрганлар эса хиёбонга туташ ҳудудда жойлашган Темурийлар тарихи давлат музейи томон йўл олиши табиий.

Ташқи ва ички структураси бир қараганда маҳобатли саройни эслатувчи, ёруғ ва нақшинкор заллари эса ўша давр руҳини берувчи, мусаввирлик ва ганчкорликнинг нодир намуналарини ўзида акс эттирирувчи бу маскан ҳар бир ташриф буюрувчининг ҳайратини ошириши шубҳасиз. Буни музейга келган томошабинлар нигоҳидан ҳам яққол пайқаш мумкин.

Бу йил октябрь ойида музейнинг ташкил этилганига йигирма йил тўлади. Мана шу вақт давомида минглаб хорижлик меҳмонлар ва мамлакатимиз фуқаролари шонли тарихимиз ҳақида кенг маълумотга эга бўлаётир.

— Юртимизда буюк аждодларимизга бўлган муносабат, эҳтиром юксак даражада, — дейди музей директори Хуршид Файзиев. — Буюк бобокалонимиз Амир Темур шахсини улуғлаш, ёш олимлар билан маданий-маърифий фанларнинг етакчи йўналишлари бўйича илмий-амалий тадқиқотлар олиб бориш доимий эътиборимизда. Бугун музей фондидаги ашёлар беш мингга яқин. Музей экспозициясидан мингдан ортиқ экспонат ўрин олган. Ҳозирда музей экспозициясида намойиш этилаётган ва фондларида сақланаётган экспонатлар темурийлар тарихидан сўзловчи ноёб ёдгорликлардир.

Музейда сақланаётган темурийлар даври ҳунармандлари тўқиган қимматбаҳо матолар, олтин, кумуш ва бронзадан ясалган турли идишлар, уй-рўзғор, заргарлик анжомлари, сопол буюмлар Амир Темур нафақат буюк давлат арбоби, балки, илм-фан, ҳунармандлик, маънавият ва маърифат ҳомийси бўлганидан далолат беради. Амир Темур ва темурийлар даврида меъморчилик санъатининг юксак ривожланганини акс эттирувчи меъморий обидалар — Оқсарой, Аҳмад Яссавий мақбараси, Бибихоним жоме масжиди, Улуғбек мадрасаси, Улуғбек расадхонаси, Гўри Амир, Тожмаҳал мақбараларининг макетлари ҳам намойишга қўйилган. Шунингдек, Юртбошимизнинг Амир Темурга юксак ҳурмати ифодаловчи дил сўзлари ва "Темур тузуклари"дан келтирилган иборалар экспонатларни мазмунан бойитган.

Музей ташкил этилганига 20 йил тўлаётган бўлса, шу давр мобайнида у нафақат халқимиз, балки хорижлик сайёҳларнинг ҳам севимли зиёратгоҳига айланди. Ўтган давр мобайнида музейга ташриф буюрувчилар сони 2 миллиондан ортди.

Музей нафақат Амир Темур ва темурийлар даври тарихига оид ноёб экспонатлар жамулжам маскан, балки халқимизнинг давлатчилик тарихи, аждодларимизнинг бой моддий ва маънавий меросини илмий тадқиқ этиб, келажак авлодларга етказувчи илмий марказдир. Ёш авлодни тарихимизга, буюк шахсларга, аждодларимиз меросига юксак ҳурмат ва эътибор руҳида тарбиялашда музейда олиб борилаётган изланишлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Музей мактаб, лицей, коллежлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиб, қатор маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келмоқда. Ҳозирги кунда музейда асосий экспозиция билан бир қаторда "Амир Темур ҳаётидан лавҳалар", "Шоҳрухия – темурийлар бунёдкорлиги ёдгорлиги", "Самарқанд — 2750 ёшда", "Совғалар", "Темурийлар меъморий обидалари" каби кўргазмалар намойиш этилмоқда.

Темурийлар тарихи давлат музейида иккита фундаментал тадқиқот — "Темурийлар даври ренессанси" (2002–2006), "Темурийлар даври ёзма ёдгорликларининг Ўзбекистонда ва хорижда ўрганилиши" номли тадқиқотлар муваффақият билан ишланди. Шунингдек, "Ўзбекистон тарихига оид маданий-маънавий мероснинг хорижга тарқалиши ва уларнинг Ватанимиз тарихида тутган ўрни" мавзусидаги ёш олимлар фундаментал, "Шоҳрухия қалъа шаҳри — Амир Темур ва темурийлар даврининг ноёб ёдгорлиги" мавзусида амалий, "Тошкент — ислом маданияти пойтахти", "Ўзбекистон тарихи (хрестоматия) 3-жилд" мавзусида инновацион, тадқиқотлар олиб борилди. Фундаментал тадқиқотларни қўллаб-қувватлаш фондининг "Чет элларда сақланаётган темурийлар даври ашёлари каталоги", "Ўрта Осиёда китобат санъати тарихидан (темурийлар даврида яратилган асарларнинг қўлёзма ва тошбосма нусхалари)", "XIX аср охири — XX аср бошларида тошбосмада нашр этилган дарсликлар", "Виртуал кўргазмалар ва уларнинг илмий-амалий асослари (Темурийлар тарихи давлат музейи кўргазмалари асосида)", "Амир Темур ва Темурийлар даврида ҳарбий санъат" мавзусидаги лойиҳалар якунланди.

— Биргина ўтган йилнинг ўзида музейга 40 дан ортиқ делегация ташриф буюрди, — дейди музей бўлим бошлиғи Дилноза Азизова. — Музейда меҳмонларнинг дил сўзлари, таассуротлари акс этган "Дастхатлар" кўргазмаси ташкил этилган. Улар орасида давлат раҳбарлари, ҳукумат бошлиқлари, парламент делегациялари, дипломатлар, маданият ва санъат намояндалари, турли нуфузли халқаро ташкилотлар, молия тузилмалари вакиллари борлиги дунёда бой маданиятимиз ҳамда тарихимизга қизиқиш ва эҳтиром юксаклигидан далолатдир. Амир Темур ва унинг авлодлари қолдирган тарихий обидалар, мақбаралар дунё аҳлига мақтагулик эканлигини улардан эшитиш дилимизга ўзбекона ғурур туйғусини солади. Яқинда музейда Уммон Султонлиги Ҳужжат ва архивлар миллий бошқармаси билан ҳамкорликда "Узоқ ва яқин Уммон" кўргазмаси ташкил этилди. Унда мазкур давлат аҳолисининг турмуш тарзи, миллий урф-одатлари, кийимлари ва санъати билан яқиндан танишиш имкони пайдо бўлди.

Музей ўз экспонатлари билан халқаро кўргазмаларда ҳам иштирок этиб, ўзбек халқининг бой моддий ва маънавий меросини жаҳонга тарғиб қилиб келмоқда. Хусусан, Францияда ўтказилган "Темурийлар ренессанси", Германиянинг Ганновер шаҳрида ўтказилган "Экспо – 2000", Австралиянинг Сидней шаҳридаги Паурхаус музейида ўтказилган "Ёрқин гуллар: Марказий Осиё газламалари ва керамикаси" халқаро кўргазмаларида музейнинг ноёб экспонатлари намойиш этилди. Музейда Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги элчихонаси билан ҳамкорликда "Ноёб қўлёзмалар", Эрон элчихонаси билан ҳамкорликда "Амир Темур ва темурийлар даври миниатюралари" каби кўргазмалар ташкил этилди.

Соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 680 йиллигига бағишлаб 2016 йилнинг 9 апрелида давлат ва жамоат арбоблари, хорижий дипломатик корпус вакиллари, зиёлилар, талаба-ёшлар иштирокида Амир Темур ҳайкали ёнида тантанали тадбир, Темурийлар тарихи давлат музейида "Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан ва маданият ривожининг жаҳон тамаддунидаги ўрни" мавзусида республика илмий-амалий конференциясини ўтказиш режалаштирилган.

...Музейдан чиқар эканмиз, набираларини етаклаган отахону онахонлар, қўл ушлашган болакайлар, талабалар, хорижлик сайёҳлар серфайз хиёбондан ўтиб музейга ошиқаётганини кўрдик. Улар ичида набираси билан суҳбатлашиб келаётган Баҳодир ота ҳам бор.

Атрофни кузатиб, Юртбошимиз томонидан "Амир Темур хиёбони гўзал бир узук бўлса, бу музей шу узукнинг ёқут кўзидир" дея берилган таъриф беихтиёр хаёлдан ўтади.

Дилфуза РЎЗИЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ТИББИЙ МАСЛАҲАТ

Ялпиз — шифобахш ўсимлик

Ялпиз — лабгулдошлар оиласига мансуб кўпйиллик ўсимлик. Шимолий ярим шарнинг илиқ иқлимли минтақаларида 20-25 тури тарқалган. Ўзбекистонда тўрт — сув, осиё, тахир (аччиқ) ва жингалак турлари ўсади.

Ялпиз эфир мойи, органик кислоталар, флавоноидлар, каротин, глюкоза, рутин, С дармондориси ва яна бир қатор фойдали моддаларга бой. Ундан тайёрланган қайнатма тиш оғриғи, милк яллиғланишини даволаш учун тавсия қилинади. Тиббиётда ялпиз баргидан тайёрланган тиндирма ва дамламадан кўнгил айниганда, ўт ҳайдовчи восита сифатида фойдаланилади. Барглари ва поясидан олинган ялпиз мойи парфюмерия, озиқ-овқат саноати ва тиббиётда ишлатилади. Ялпиз қайнатмасига қанд қўшиб тайёрланган қиём тутутқаноқ хасталигига, ўсимлик шираси эса сариқ касаллигида фойдали. Ялпиз балғам кўчириш хусусиятига ҳам эга. Нафас йўли касалликларининг олдини олишда кенг қўлланади. Ялпиздан қайнатма тайёрлаш учун 5-20 грамм ялпиз япроғи 200 грамм сувда 15 дақиқа қайнатилади. Сўнг дока орқали сиздириб, шарбати кунига 2 маҳал овқатдан олдин ичилади. Ялпиздан тайёрланган малҳам шиш ва оғриқдан холи қилувчи воситадир. Бунинг учун 200 грамм миқдорида ялпиз гулидан олиб, шиша идишга солинади, унга 400 грамм зайтун ёғи қўшилади. Идиш оғзи зичлаб беркитилади. Сўнг у 40 кун сақланади.

Ялпиз чой бир қанча касалликларни даволашда қўлланади. Гипертония, атеросклероз, стенокардия, невроз, уйқусизлик, ошқозон ва ичак касалликларида у фойдалидир: асабларни тинчлантириб, бош оғриғини қолдиради. Эрталаб ичилган бир пиёла ялпиз чой кун давомида инсонга тетиклик бағишлайди. Уйқудан олдин ичилса, чарчоқни ёзиб, яхши дам олишни таъминлайди. Ялпиз таркибидаги ментол моддаси артериал қон босимини туширишда ёрдам беради. Турли ичак касалликларида, шамоллаш ва гриппни даволашда ҳам ялпиз чойнинг фойдаси кўп. Тиббиётда ялпиз барглaридан асаб тизимини тинчлантиришда бир қатор дори воситалари тайёрланади. Абу Али ибн Сино ялпиз билан ичак оғриқларини даволаган. У ялпизни овқат ҳазм бўлишини яхшиловчи, қон тўхтатувчи, қайт қилишни қолдирувчи восита сифатида тавсия этган. Халқ табобатида ялпизли қайнатма қутир, бод, сариқ, ширинча, шамоллаш, йўтал ва бошқа касалликларни даволашда яхши фойда бериши аниқланган. Баҳорда ялпиз қўшиб тайёрланган кўкатли сомса, манти, чучвара ва бошқа таомларни истеъмол қилиш инсон саломатлиги учун фойдалидир.

БИЛАСИЗМИ?

● Футбол бўйича Дания терма жамоаси сардори Сёрен Лербю 1985 йилнинг 13 ноябрида жаҳон чемпионатига саралаш ўйинлари доирасида Ирландия терма жамоасига қарши ўтказилган баҳсда фидойилик кўрсатади. Майдонга тушган футболчи ўйин пайтида натижа ўз жамоаси фойдасига ҳал бўлаётганида мураббийидан рухсат сўраб, самолётда Германияга йўл олади. Кечкурун "Бавария" клуби сафида мамлакат кубоги доирасида "Бохум"га қарши ўйинда майдонга тушиб, бу жамоага ҳам ёрдам беради.

ТУРФА ОЛАМ

Робот "ишдан олинди"

АҚШнинг "Johnson & Johnson" компанияси робот-анестезиологларни ишлаб чиқаришни тўхтатди.

"Sedasys" номли робот жарроҳлик амалиёти вақтида беморларга наркоз беришга мўлжаллаб ишлаб чиқарилган. Гап шундаки, 2013 йилда АҚШ сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори воситаларини назорат қилиш бошқармаси (FDA) компаниянинг мазкур роботларини бозорга чиқаришга рухсат берганди. Бугун АҚШда анестезиолог-шифокорлар хизматидан фойдаланиш 2 минг долларга тушмоқда. Аксинча, робот хизматидан фойдаланиш анча арзон бўлиб, 200 доллардан ошмайди. Шунга қарамай, Америка анестезиологик жамияти робот фаолиятидан қониқмаётганини маълум қилди. Шифокор ва ҳамширалар фикрича, робот беморга наркозни инсон каби юбора олмайди. Натижада, "Johnson & Johnson" компанияси робот ишлаб чиқаришни тўхтатиб қўйди.

Райс университети профессори Моше Вардининг фикрича, — робот технологиялари тараққий этиши келажакда ишсизликнинг ошишига сабаб бўлиши ва 2045 йилга келиб, бу кўрсаткич 50 фоизни ташкил этишини башорат қилмоқда.

Тиббиётда янги кашфиёт

Мексикалик олим Макс Ортиз Каталан инсон танасидаги тўқималарга (суяк, мушак, нерв) тўғридан-тўғри боғланувчи дунёдаги биринчи протезни яратди.

Тадқиқот Швециянинг Гетеборг шаҳрида жойлашган Чалмерс технология университетида Салгренс шифохонаси билан ҳамкорликда ўтказилди. Мазкур қурилма, инсон танасидаги суяк тўқимаси билан имплант ўртасида тўғридан-тўғри боғланишни амалга ошириш технологияси — остеоинтеграцияни қўллаш орқали инсон танасининг йўқолган қисми тикланиши имкониятини беради. Аввалроқ, остеоинтеграция фақат стоматологияда қўлланилган. Ушбу қурилма инсон суягига титан имплантлари, электродлар тизими эса мушаклар ҳамда асаб толалари билан уланиб, протезга барқарор сигнални юбориш, аниқ ҳаракатларни амалга оширишда ёрдам беради.

Швециялик Магнус Ниска шундай протез ўрнатилган дунёдаги биринчи инсон бўлди. Унинг сўзларига кўра, протез уни аввалги ҳаёт тарзига қайтарган — сунъий қўл унга нафақат идрок орқали бошқариш, балки нарсаларни ушлаш, ҳис этиш имконини берган.

Ш. ҒАФФОРОВ тайёрлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзМТДП фракцияси ҳамда партия Марказий кенгаши Ижроия қўмитаси фракция аъзоси Ўрол Ҳайитовга онаси
Мастура онанинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

ЎзМТДП Наманган вилоят кенгаши халқ депутатлари Наманган вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Одилжон Маматкаримовга онаси
Саломатхон аянинг
вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилади

Кўргазма

Карикатурачи рассомлар

асарлари намойиш этилмоқда

Карикатура — воқеа ва ҳодисалар, ҳаётимизда учраб турадиган айрим иллат ва камчиликлар моҳиятини образли ифодаловчи ва уни англашда таржимонга ўрин қолдирмайдиган ноёб санъат тури. Ушбу санъат ҳозиржавоблиги, долзарблиги, воқеликни образли тарзда очиб бериши билан аҳамиятлидир.

Мамлакатимизда санъатнинг барча турини ривожлантириш, миллий анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш, унинг бардавомлигини таъминлаш масаласига доимий эътибор қаратилмоқда. Рассомларимизнинг эркин ижод қилиши учун барча шарт-шароит яратилиб, янги-янги тасвирий санъат намуналари томошабинлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Ўзбекистон Бадиий академияси Тошкент Фотосуратлар уйида 1 апрель — Кулги ва ҳазил кунига бағишлаб "Табассум" номли анъанавий карикатуралар кўргазмаси очилди. Кўргазмада "Дунёнинг 100 та энг яхши карикатурачи рассоми", "Катта карикатура энциклопедияси" рейтингига кирувчи карикатурачи рассомлар, миниатюра, керамика усталари, рассомларнинг икки юзга яқин асарлари намойиш этилмоқда.

— Қадимдан ўзбек халқи ўзининг бой мероси бўлган аския санъатини эъзозлаб, қадрлаб келган, — дейди халқаро нуфузли кўргазма ва танловлар совриндори Маҳмуд Эшонқулов. — Соғлом кулги халқимизга хос фазилат. Кўргазмадан кўзланган мақсад — томошабинларга кулги ва табассум улашиш.

Таъкидлаш жоиз, карикатура фақат кулгу, ҳазил-мутойибадан иборат эмас. Унинг воситасида ахлоқий камолот ва тараққиёт йўлига ғов бўлаётган камчиликлар фош этилади, эзгулик, тинчлик, дўстлик ва миллий қадриятларимизни тарғиб қилувчи эзгу мақсадлар улуғланади.

Тадбирда фаол иштирок этган ижодкорлар Тошкент Фотосуратлар уйининг сертификатлари билан тақдирланди.

Кўргазма жорий йилнинг 15 апрелига қадар давом этади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

ҲОМИЙ: "МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ" АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Сарвар ОТАМУРАТОВ, Илҳом АБДУЛЛАЕВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Абдуғафур МАМАТОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Акмал САИДОВ, Жалолиддин САФОЕВ, Алишер ҚОДИРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Исмат ХУДОЁРОВ

Бош муҳаррир: Бехзод НОРБОЕВ
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
ТЕЛЕФОНЛАР: (0-371) Қабулхона (факс): 234-69-55, Парламент ва маҳаллий кенгаш депутатлари фаолияти бўлими: 234-01-47, Партия ҳаёти бўлими: 234-86-41, Маданият, маънавият ва ахборот бўлими: 234-87-73, Бош муҳаррир биринчи ўринбосари: 234-87-74, Бухгалтерия: 234-87-73.
Ҳажми 4 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
"ШАРҚ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 425, Адади — 9821. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
Навбатчи муҳаррир: Дилфуза РЎЗИЕВА
Навбатчи: Ҳасан САЛОМОВ
Саҳифаловчи: Илҳом ЖУМАНОВ
Электрон почта: e-mail: m.tiklanish@umail.uz
Босишга топшириш вақти — 21.30.
Топширилди — 00.15.
ЎзА якуни — 21.00.
ISSN 2010-7714
9 772010 771003 123 5